БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 68 (7515)
23 МАРТ ПАЙШАНБА 1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Кўклам экиш ишларини социалистик мусобақа асосида кенг қизитиб юборайлик! (1-нчи бет).

Совет Ўзбекистонида (1-нчи бет).

СССР Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон ССР саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва сан'ат ходимларини орден ва медаллар блан мукофотлаш тўғрисидаги Фармони (2-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ. — Ю. Юнус.— Ишлабчиқаришда коммунистларнинг авангардлик роли кучайтирилмоқда (2-нчи бет).

В. Каблучко. — В. И. Ленин Асарларининг йигирма еттинчи томи (2-нчи ва 3-нчи бетлар).

Тракторларнинг кеча-кундуз ишлашини та'минлаб, ер ҳайдаш ва чигит экишни кун сайин кучайтириб юборайлик! (3-нчи бет).

Қурия халқ-демократик республикаси яшнаши ва ривожланишининг гарови (4-нчи бет).

Ихтиро'чи

Давлат ҳокимиятининг юқори органи—СССР Олий Советига яқинда бўлиб ўтган сайловлар халқимизнинг сиёсий активлигини, меҳнат соҳасидаги фаолияти, ғайрат ва ташаббусини, ирода бирлигини ҳарқачонгидан ҳам кучайтириб юборди. Сайлов кунини нишонлаш учун олинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши совет кишиларининг шонли большевиклар партиясига, ўз жонажон ҳукуматига ва севикли йўлбошчимиз ўртоқ Сталинга чексиз муҳаббат ва садоқатини, улуғ социалистик Ватанимизнинг халқ хўжалигини янада зўр бериб ривожлантириш учун астойдил бел боғлаганликларини яққол ифода этди.

Мамлакатимизни янада қудратли ва енгилмас қилиш йўлида блан илҳомланган ҳарбир совет кишиси ўзининг қаҳрамонона меҳнати блан янги ғалабалар учун курашмоқда.

Большевиклар партияси совет халқининг меҳнат соҳасидаги қудратли ғайрати, ташаббуси ва ижодининг илҳомчиси ҳамда ташкилотчисидир. Ленин—Сталин партиясининг илҳомлантируви ва ташкил этувчи зўр фаолияти совет кишиларининг урушдан кейинги сталинча бешйилликни муддатидан илгари бажариш учун олиб бораётган курашида ҳам яққол кўринмоқда.

Улуғ Сталин замонаси кишисининг, шу жумладан совет ишчисининг кундалик ишида ой ва йилларнинг салмоги бор. Ҳозирги замон техникасини мукаммал эгаллаган, ихтиро'чилик соҳасида ғоят катта муваффақиятларга эришган ва ишлабчиқариш усулларини тубдан мукаммаллаштирган ихтиро'чи ва новаторларнинг ишлари ҳам ўзининг улуғворлиги ва олижаноблиги блан асрларга тенгдир. ССР Иттифоқи Министрлар Советининг қарори блан илм-фаннинг турли соҳаларида энг яхши асарлар ёзган машҳур олимлар блан бирқаторда катта ихтиро'лар қилган ва ишлабчиқариш усулларини тубдан мукаммаллаштирган новаторларга 1949 йил учун Сталин мукофотлари берилганлиги партия ва ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган сталинча гамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Ихтиро'чи — ўзининг фидокорона меҳнати блан севикли Ватанимизнинг шон-шуҳратини оширувчи, меҳнат унумининг янада ўсишини ва маҳсулот таннархининг пасайишини та'минлайдиган янги технология жараёнларини ўйлаб топувчи илғор кишидир. Ихтиро'чи — саноат маҳсулотининг янги хилларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирган, хомаш'ё ва материалларни тежашни та'минлайдиган янги, стахановча усулларни жорий этган, ишлабчиқаришда прогрессив нормаларни илгари сурган билимдон совет ишчисидир. Совет ихтиро'чиси — илғор совет фани ва техникасини гуллаб-яшнатишда актив иштирок этадиган, ишлабчиқариш маданиятини тинмай ривожлантириш учун ҳормай-толмай курашувчи, неча минг сўмлаб давлат маблағини тежашга имконият берадиган таклифларни ўртага ташлаган, давлатимиз бойлигини кўпайтирувчи ватанпарвардир. А'ло сифатли маҳсулот учун кураш, ички резервларни сафарбар қилиб, корхоналарнинг рентабель ишлашини та'минлаш, оборот маблағларининг айланишини тезлаштириш, машина, асбоб-ускуналардан тўғри ва унумли фойдаланиш — мана бу масалаларнинг ҳаммаси социалистик саноатимизнинг пешқадам кишиси бўлмиш ихтиро'чининг диққатини ўзига жалб қилмоғи керак.

Республикамиз саноат корхоналарида икки бешйиллик нормасини бажарган, 1956—1960 йиллар ҳисобига маҳсулот бераётган ихтиро'чи ва новаторлар тобора кўпайиб бормоқда. «Средазхиммаш» заводининг огоҳли ишчиси Иван Бессараб, донгдор стахановчи Ўрин Боқиев, «Таштекстильмаш» заводининг токари Михаил Челядинский, тўқувчи Шарофат Қодирова, пўлат қуювчи Хофиз Ғаниев, Максим Харченко, пойафзалчи Убай Раҳматуллаев ўртоқларининг номлари бутун республикамизда ҳурмат блан тилга олинмоқда. Улар ўз ижодий меҳнатлари блан хўжалик планларининг муваффақиятли бажаришига, корхоналарда ишлабчиқариш қувватини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар, янги технология жараёнларининг бирқанча янги конструкцияларини ишлаб чиқишда, қийин техника масалаларини осонлик блан ҳал қилишда фан арбобларига, конструкторларга, инженер ва технологларга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Саноат корхоналаридаги партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифаси — ихтиро'чиларнинг иш тажрибаларини кенг оммалаштиришдан, ихтиро'чилар сафини кенгайтиришдан, корхоналарда ихтиро'чилик конкурсларини большевикча уюшқоқлик ва зўр тайёргарлик блан ўтказишдан иборатдир. Шунга эришиш керакки, ҳарбир корхонада ташкил этилган стахановчилик мактаби ихтиро'чи ва ишлабчиқариш новаторларининг илғор иш методларини оммалаштируви ва пропаганда қилуви марказга айлансин, брак маҳсулот ишлаб чиқаруви, кундалик нормасини бажармовчи бирорта ишчи қолмасин.

Брок, республикамизнинг ба'зибир саноат корхоналарида бу масалаларга жиддий э'тибор берилмаётир. Меҳнат унумини анча ошириш, машина-ускуналардан унумли фойдаланиш ва давлат маблағини тежаб-тергаб сарфлаш имкониятини берадиган бирқанча янги ихтиро'чилик таклифлари ўз вақтида кўрилмаётир. Ишлабчиқаришда янгилик яратаётган илғор кишиларнинг тажрибалари ҳали суст ўрганилмоқда ва секин оммалаштирилмоқда. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бу камчиликларга қат'ий барҳам беришлари, ихтиро'чиларнинг фойдали таклифларини қўллаб-қувватлашлари, меҳнат унумини тобора ошириш учун янги имкониятларни қидириб топишлари керак.

СССР Олий Советига сайловлар шарафига бошланган социалистик мусобақани яна давом эттириш, олимлар ва саноат корхоналаридаги ишлабчиқариш ходимлари ўртасидаги ижодий ҳамкорликни ҳартарафлама кучайтириш керак. Сайлов кампанияси давригда тўпланган тажрибалардан фойдаланиб, оммавий-агитациянинг бутун кучи ва та'сирини ишлабчиқаришнинг асосий масалаларини ҳал қилишга, ишчилар, инженер-техник ходимлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйишга, уларнинг малакасини оширишга қаратиш керак.

Пахта учун кураш — умумхалқ ишидир. Республикамиз пахтакорлари бу йил давлатга ўтган йилга қараганда кўп пахта топшириш керак. Колхозларда кўклам дала ишлари қизғин давом этаётган ҳозирги кунларда саноат корхоналарининг колхозларга ёрдамини кучайтириш жуда муҳимдир. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари оталиқдаги колхозларга амалий ёрдам бериш масаласига алоҳида э'тибор қилишлари, ишчилар, инженер-техник ходимларни ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхозлар, МТС ва совхозларда кўклам экишига тайёргарликнинг боришн тўғрисида»ги қарорини кенг пропаганда қилишга сафарбар этишлари керак.

Саноат корхоналарида ихтиро'чилар сафини тобора кенгайтирайлик! Сталинча бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш ва социалистик Ватанимизнинг шон-шуҳратини янада ошириш учун фидокорона меҳнат қилайлик!

Кўклам экиш ишларини социалистик мусобақа асосида кенг қизитиб юборайлик!

★

Республикада ер ҳайдашнинг бориши

15 мартдан 20 мартгача ўтган сўнгги бешкунликда республикада чигит экиладиган ерларни ҳайдаш бирмунча кучайди. Лекин шунга қарамай, ерларни чигит экишга тайёрлаш аввалгича қониқарсиз бормоқда.

Республика колхозларида кўкламда ер ҳайдаш плани қирқ процентдан кам бажарилган. Самарқанд области кўкламда ер ҳайдаш планини 22,8 процент, Андижон области 34 процент, Тошкент области 36,4 процент, Наманган области 37,2 процент, Қорақалпоғистон АССР 8,6 процент ва Хоразм области 12 процент бажарди. Тошкент, Наманган ва Андижон областларида айниқса жиддий аҳвол юз берди. Бу областларда кузги шудгор жуда оз ерда ўтказилди, шу сабабли чигит экиладиган ерларнинг кўп қисми кўкламда ҳайдалиши керак.

Кўкламда ер ҳайдашнинг секин боришига сабаб шуки, кўпчилик областьларда трактор блан ер ҳайдаш яхши уюштирилмаган. Масалан, Самарқанд областида трактор блан кўкламда ер ҳайдаш плани 16,6 процент, Фарғона областида 18,5 процент, Бухоро областида 18,9 процент, Наманган областида 27,8 процент бажарилган. Қорақалпоғистон АССР МТСларида ҳам трактор блан ер ҳайдаш жуда секин бормоқда. Қорақалпоғистонда трактор блан ер ҳайдаш плани 3,5 процент ва Хоразм областида 5,5 процент бажарилган, холос.

Трактор ремонтини тамомлаш муддатлари аллақачонлар ўтиб кетган бўлишига қарамай, тракторларнинг талай қисми ҳали ҳам тайёр ҳолга келтирилмаган. Фарғона областида бирнеча юз трактор ҳозиргача капитал ремонтдан чиқарилмаган. Андижон областида ҳам аҳвол шундай. Бу областьда тракторларнинг учдан бир қисми капитал ремонт талаб қилади.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг IV пленуми ҳарбир область учун кўкламда ер ҳайдашни тамомлашнинг аниқ муддатларини белгилади. Чигит экишни сифатли ўтказиш учун жуда муҳим бўлган бу муддатлар ўтиб кетаётир. Барча тракторлар ва колхозлардаги от-улов ер ҳайдашга чиқарилиши керак. Ер ҳайдаш сур'атини кучайтириш блан бирга, агротехника қоидаларининг бузилишига қарши қаттиқ курашиш, ҳамма ишни юқори сифатли қилиб ўтказиш зарур. Шу блан бир қаторда чигит экишни ҳартарафлама кучайтириб юбориш керак.

☆☆☆

Сталин номли колхоз чигит экиш планини 45 процент бажарди

(«Қизил Узбекистон»нинг Сурхондар'ё область мухбиридан)

Жарқўрғон район, Жарқўрғон қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз а'золари СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхозларда, МТС ва совхозларда кўклам экишига тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисида»ги қарорини муҳокама қилиб чиқиб, чигит экишни оммавий равишда кучайтириб юбордилар. Колхозда бирнеча звенолар агротехника қоидаларига мувофиқ чигит экиб бўдилар.

Донгдор звено бошлиги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ашур Норбўтаев 6 гектар ерини трактор блан чуқур ҳайдаб ва маҳаллий ҳамда минерал ўгитлар блан ўгитлаб, чигитни экиб бўлди. Шунингдек, колхознинг Қодиров ва Омонова ўртоқлар бошлиқ звеноларн ҳам партия, ҳукуматимизнинг қарорига жавобан чигит экишни муддатидан олдин тамомладилар. Колхозда 21 мартгача чигит экиш плани 45 процент бажарилди.

Колхоз а'золари бу йил ҳар гектар ердан 35 центнердан ингичка толали пахта етиштириш мажбуриятини олдилар. Экишни тамомлаган илғор звено ва бригадалар чигитни ердан бир текис ундириб олиш учун зарур чораларни кўрмоқдалар.

Мусобақа шартларини ўз вақтида бажарамиз

Фарғона области бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан олган мажбуриятини бажариш учун Самарқанд области блан мусобақалашган эди. Шу муносабат блан Фарғона областидаги пахтакор колхозлардан бири бўлган колхозимизнинг а'золари икки область ўртасида тузилган мусобақа шартларини атрофлича муҳокама қилдилар. Қўшнимиз бўлган «Октябрь» колхози блан мусобақа шартномаси тузилди ва шу асосда олинган мажбуриятларга қўл қўйилди. «Қизил кетман» колхозининг а'золари 1950 йилда ҳарбир гектардан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун зарур тадбирларни белгиладилар.

Партия ва ҳукуматимизнинг «Колхозлар, МТС ва совхозларда кўклам экишига тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисида»ги қарори бизни чигит экишга тайёргарликни кучайтиришга ва пахтадан мўл ҳосил етиштиришга руҳлантирди.

Мусобақа шартномасида кўрсатилган вазифалар ўз вақтида амалга оширила бошлади. Экишга тайёргарлик кучайтирилди, адиқ-зовурларни тозалаш белгиланган муддатда тамомланди. 141 тонна минерал ўгит ташиб олинди ва шундан кўп қисми ҳайдаш олдидан ерга солинди. 400 тонна маҳаллий ўгитдан 350 тонначаси ерга сочилди.

Колхоз бу йил ер ҳайдашни 22 кун илгари бошлади. СССР Олий Советига сайловлар шарафига, 26 февралдан трактор ва от-улов кучлари блан ер ҳайдаш бошланди. 206 гектар пахта майдонидан 20 мартгача 105 гектари трактор ва 24 гектари от-улов кучлари блан ҳайдалди. Очиқ айтиш керакки, бизга биркитилган тракторлар яхши ишлатилмаётир. Агар тракторлар кундалик нормани бажариб турганда эди, колхозимиз ҳозиргача ер ҳайдашни тамомлаган ва чигит экишга оммавий равишда киришган бўлар эди. Лекин 1-нчи МТС (директори Ўртоқ Загидуллин) юборган СХТ3 трактори ёмон ремонт қилингани учун, 12 кунда атиги 14 гектар ерни ҳайдади, холос. Дизель тракторида ишлаётган тракторчи Ўртоқ Абдуллаевгина ҳар куни 8 — 10 гектар ер ҳайдамоқда. У бир ўзи 20 мартгача 91 гектар ерни 28—30 сантиметр чуқурликда яхши сифат блан ҳайдади.

Колхозимизда меҳнат яхши уюштирилди, колхозчиларнинг ҳаммаси ишлабчиқариш бригадаларига доимий қилиб биркитилди. Бригада ва звеноларнинг экин майдонлари ва ҳосили белгиланди. Партия ва ҳукумат қарори муносабати блан, улар ўртасида мўл ҳосил етиштириш учун мусобақа кучайтириб юборилди.

Ўртоқ Султонов бошлиқ бригада блан мусобақалашган Ўртоқ Раҳимов бошлиқ бригада ҳаммадан олдинда бормоқда. Бу бригаданинг ерлари ҳайдовдан чиқарилди. Шу бригададаги Йўлдошев бошлиқ звено 19 март куни чигит экишга киришди. Бошқа звеноларда ҳам 20 мартдан чигит экиш бошланди.

«Қизил кетман» колхозининг а'золари партия ва ҳукуматимизнинг қарорини шараф блан бажариш учун ўз мажбуриятларини фидокорона адо этадилар ва жонажон Ватанимизга бу йил яна ҳам кўпроқ пахта берадилар.

Ғафур ТОЖИБОЕВ.
Фарғона область, Қува район, Октябрь қишлоқ советидаги «Қизил кетман» колхозининг раиси.

★

Экишга тайёргарлик ўзаро текширилмоқда

(«Қизил Узбекистон» мухбиридан)

Қорақалпоғистон АССР, Шоббоз районидаги 1-нчи ва 2-нчи МТС ларда трактор бригадаларининг кўклам дала ишларига тайёргарлигини ўзаро текшириш ўтказилди. 1-нчи МТСдаги Ўртоқ Эгам Йўлдошев бошлиқ 2-нчи бригаданинг тракторчилари Сариқўл овул советидаги Киров номли колхозда ишлаётган Ўртоқ Абдураҳмон Райимбоев бошлиқ 16-нчи бригаданинг ишини текширдилар. Бу бригададаги 5 та трактор устахонада ремонт қилиниб, комиссия томонидан қабул этилган. Аммо текшириш вақтида айрим тракторларнинг ишга тайёр эмаслиги, жуда кўп камчиликлари борлиги ҳам аниқланди. Масалан, НАТИ трактори яхши ремонт қилинмаган, тўрт жойда болти тушиб қолган, қисмлари яхши мойланмаган, ҳаво тозалайдиган асбоби ифлосланган.

Илғор универсалчи Ўртоқ Жумабой Райимбоев 86-нчи сонли ҳайдов трактори ишловчи Ўртоқ Собир Райимбоевнинг тракторини текшириб кўрди. У, тракторнинг ҳамма қисмларини бирма-бир кўздан кечириб, кўп камчиликларни борлигини кўрсатди.

Ўзаро текшириш натижалари МТС коллективининг умумий йиғилишида муҳокама қилинди ва аниқланган камчиликларни дарҳол тузатиш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

ЎРТОҚ ЗИКРИЁЕВА БОШЛИҚ ЗВЕНО ЎЗ ЕРИГА ЧИГИТ ЭКИБ БЎЛДИ

ЯНГИБОЗОР, (Тошкент области). (ЎзТАГ). Юқоричирчиқ районидаги Ворошилов номли колхозининг Ўртоқ А. Зикриёева бошлиқ звеноси ўзига қарашли 7 гектар ерга ўтган йилдагидан бир ой илгари чигит экиб олди.

Звено а'золари СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхозларда, МТС ва совхозларда кўклам экишига тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисида» чиқарган қарорини муҳокама қилиб, дала ишлари сур'атини кучайтиришга қарор қилдилар. Пахтакорлар чигитни бир текис ундириб олиш учун, эгатларга қум аралаштириб гўнг солмоқдалар. Апрель ойининг иккинчи ўнкунлигида гўзалар ягана қилиниб, қатор ораларини ишлатга киришилади.

Ворошилов номли колхознинг ҳамма бригадаларида чигит экиш бошланди.

Совет Ўзбекистонида

(«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИДАН)

★

Колхозда сиёсий доклад

Термиз районидаги «Намуна» колхозининг клубида шу колхознинг а'золари ва қўшни «Ленин йўли» ҳамда Сталин номли колхозларнинг а'золари учун «Ҳозирги аҳвол ва бизнинг вазифаларимиз» деган мавзу'да доклад бўлди. Докладни Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ М. Ғ. Ваҳобов ўқиди.

ЁЗГИ МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ўзбекистон касаба союзлари Советининг курорт-санатория ва дам олиш уйлари бошқармаси ёзги мавсумга тайёргарлик кўрмоқда. Барча курорт-санатория ва дам олиш уйларида ремонт бошланди. Дам олиш уйларини кўкаламзорлаштиришга алоҳида э'тибор берилаётир.

Бу йил бирнеча янги дам олиш уйи ва санатория очилади. Уш шаҳрида сил касалларини даволайдиган санатория ишга туширилади. Бундан ташқари, Фарғона область, Водил район, Чим'ён қишлоғида сероводородли шифоли сувлар блан даволайдиган янги санатория очилади. Хоразм областининг Хева шаҳрида ҳам дам олиш уйи очилади.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ ЗИҒИР ЭКИЛМОҚДА

Самарқанд область районларининг уруғчилик хўжаликлари зиғир экиш планини бажардилар. Зомин районидаги Сталин номли, Булённий номли, «Қизил ой» уруғчилик хўжаликлари пландан ташқари кўпгина ерга зиғир экмоқдалар. Қўшробот районидаги Каганович номли уруғлик хўжалиги планда белгиланган дан 80 гектар кўп зиғир экди.



Суратда: Сталин мукофоти лауреати, селекциячи Л. В. Румшевич Андижон область, Ленин районидаги Сталин номли колхоз а'золари блан пахтанинг янги нав'лари тўғрисида суҳбат ўтказмоқда.

А. Ашкинезер фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

АМУДАР'ЁДА КЕМАЛАР ҚАТНАЙ БОШЛАДИ

Баҳорнинг илиқ шабадалари эсиши блан Амудар'ё яна тўлиб, ҳайқириб оқабошлади. Музлар эриди. Дар'ёда кемалар қатнаш мавсуми бошланди. Кемаларнинг биринчи карвони сафарга жўнади.

Ўртоқ Жумагелди Наврузов ҳарголик қилаётган «Водник» теплоходининг коллективи кема қатновини биринчи бўлиб бошлади ва кўклам юклари ортилган теплоходни манзилга муддатидан 3 кун олдин келтирди.

Шорловуқ, Тўрткўл, Хўжайли пристанларида ҳам кемалар қатнови ўтган йилларгига қараганда 10 кун илгари бошланди.

ШАҲАРЛАР, РАЙОН МАРКАЗЛАРИ ВА ПОСЕЛКАЛАР КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИЛМОҚДА

УРГАНЧ, (ЎзТАГ). Хоразм областининг шаҳарлари ва район марказларида, шунингдек колхозларида кўчалар, майдонлар ва томорқа ерларини кўкаламзорлаштириш юзасидан катта ишлар қилинмоқда. Кўкламда бирнеча юз минг мева ва бошқа хил дарахт кўчати ўтқазилади, токзорлар кенгайтирилади ва янги токзорлар барпо этилади.

Урганч—Хева йўли ёқасида жойлашган 11 колхоз йўл чеккаларига дарахтлар ўтқазишга киришдилар.

★

Лекторлар группаси

«Полвонтош» нефть кони ишчилари ўртасида лекция пропагандасини янада кучайтириш тадбирлари кўрилмоқда. Бу ерда инженер-техниклар, врачлар, ўқитувчилар ва раҳбар ходимлардан иборат лекторлар группаси ташкил қилинди. Лекторлар конларга ва ишчиларнинг ётоқхоналарига бориб лекция ўқимоқдалар.

Лекторлар ёрдами блан шу йилнинг икки ойи мобайнида сиёсий, техника ва илмий мавзу'ларда 25 га яқин лекция ўқилди.

МТСДА ДИСПЕТЧЕР РАДИО АЛОҚАСИ

Бу йил Наманган областидаги кўпчилик МТСларда диспетчер радио алоқаси ўрнатилади. Наманган районидаги 2-нчи МТС шу мақсадда «Урожай» деб аталган радио станцияларнинг биринчи группасини олди. Барча трактор бригадаларида радио станциялар ўрнатилади.

Уйчи районидаги 2-нчи МТСда ва янги суғорилган ерлардаги колхозларга хизмат қилуви Бўз МТСида ҳам яқин кунларда диспетчер радио алоқаси ўрнатилади.

ЯНГИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг Тошкент автобазаси Янгийўл шаҳри блан Қуйичирчиқ районининг маркази—Солдатское ўртасида автомашиналар қатновини йўлга қўйди. Пассажир машиналарининг қатнай бошлаши йўловчилар учун катта қулайликлар туғдирди.

А. Ф. Можайский туғилган куннинг 125 йиллигига бағишланган умумшаҳар йиғилиши

21 мартда Тошкентда Авиацияга ёрдам беруви кўнгилли жамият а'золари, Граждан Ҳаво Флоти ходимлари, партия, совет ва жамоат ташкилотлари вакилларининг улуғ рус ихтиро'чиси А. Ф. Можайский туғилган куннинг 125 йиллигига бағишланган умумшаҳар йиғилиши бўлиб ўтди.

Техника фанлари кандидати Ўртоқ П. Д. Дузь «А. Ф. Можайский — дунёда биринчи аэропланни яратуви» деган мавзу'да доклад қилди.

Докладчи учуви аппаратларни яратиш ва ривожлантириш тарихига батафсил тўхталиб, бизнинг мамлакатимиз авиация ва ҳавода учиш соҳасида ажойиб кашфиётлар ватани эканлигини уқдириб ўтди. А. Ф. Можайский ҳавода учуви аппарат — аэроплан яратди. А. Ф. Можайский конструкцияси бўйича ишланган дунёдаги биринчи аэроплан 1882 йил 1 августда осмонга кўтарилди.

Сўнгра докладчи совет мамлакатида авиациянинг қандай ривожланганлиги ҳақидаги масалага, большевиклар партиясининг улуғ йўлбошчиси Ўртоқ И. В. Сталининг қудратли совет ҳаво флотини яратишдаги ролига тўхталиб ўтди.

— Совет халқи, — деди докладчи ўз сўзининг охирида, — авиация техникаси соҳасида ҳам рус фанининг биринчи ўринни олишини та'минлаган ажойиб олимнинг хотирасини ҳурмат блан эсга олмоқда. (ЎзТАГ).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Ўзбекистон ССР саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва сан'ат ходимларини орден ва медальлар блан мукофотлаш тўғрисида *)

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил этилганига йигирмабеш йил тўлиши муносабати блан ҳамда саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва сан'атни ривожлантириш соҳасида эришилган муваффақиятлари учун мукофотлансин:

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БЛАН

440. **Куликова** Ольга Семеновна — Янгийўл шаҳар касалхонасида жаррохлик бўлимининг мудири.

441. **Кулов** Казак — Вобкент районидаги 2-нчи МТСнинг механиги.

442. **Куприянов** Алексей Александрович — Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмаси 1-нчи магазинининг бўлим мудири.

443. **Курант** Белла Вениаминовна — Давлат контроли министрлигининг старший контролёри.

444. **Қурбонов** Фозилжон — Чуст район ипакчилик конторасининг мудири.

445. **Кургузова** Анна Борисовна — Қарши шаҳридаги алоқа конторасининг телефончиси.

446. **Кураматов** Қамбарали — Мирзачўл районидаги 2-нчи МТС механиги.

447. **Қўчқоров** Ўроз — Урганч районидаги «ЦИК Узбекистана» колхозининг звено бошлиғи.

448. **Қўчқоров** Ўрозмат — Гурлан район ижроия комитети сув хўжалиги бўлимининг бошлиғи.

449 **Қўшоқов** Алибек — Оҳангарон районидаги Охунбобоев номли колхознинг раиси.

450. **Лабинцев** Михаил Кириллович — «Гидромонтаж» трести бошқармасининг старший мастери.

451. **Лазурьевская** Антонина Васильевна — Статистика бошқармасининг сектор бошлиғи.

452. **Лапина** Мария Петровна — Тошкент шаҳридаги 25-нчи ўрта мактабнинг директори.

453. **Лахин** Сергей Ильич — Республика Давлат банки конторасининг мухофаза директори.

454. **Лебедев** Иван Семенович — Ўзбекистон К(б)П Тошкент область комитетининг сектор мудири.

455. **Ли** Ичун — Пойариқ районидаги 3-нчи МТСнинг бош агрономи.

456. **Лигай** Ченок — Мирзачўл район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг бош агрономи.

457. **Лисневская** Екатерина Конкордиевна — Коммунал банки бошқармасининг старший бухгалтери.

458. **Лихачев** Аркадий Михайлович — «Средазуголь» комбинатининг бош механиги.

459. **Лобанов** Константин Михайлович — Республика давлат банкининг старший ревизори.

460. **Лузин** Иван Иванович — Давлат хавфсизлиги министрлигида партия ташкилотининг секретари.

461. **Лунева** Таисия Николаевна — Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг инструктори.

462. **Любомирский** Эдуард Аркадьевич — Хазорасп пахта тозалаш заводининг директори.

463. **Мавлонов** Раҳим — Молотов районидаги Ҳакимзода номли колхознинг бригада бошлиғи.

464. **Мавлонов** Насриддин — Бекобод районидаги 2-нчи «Далварзин» совхозининг звено бошлиғи.

465. **Мавлонов** Холмат — Чимбой районидаги 2-нчи МТСнинг тракторчиси.

466. **Мавлонбекова** Тўти — Тошкент шаҳридаги Охунбобоев номли Ҳунармандчилик кооперацияси артелининг раиси.

467. **Магарченко** Лидия Львовна — Ўзбекистон К(б)П Марҳамат район комитетининг бўлим мудири.

468. **Мадалиев** Мадаминжон — Қўқон пойафзал фабрикасининг цех бошлиғи.

469. **Мадалиева** Холби — Чуст районидаги Сталин номли колхознинг звено бошлиғи.

470. **Майстренко** (Квитко) Тамара Осиповна — Ўзбекистон телеграф агентлиги мас'ул раҳбарининг ўринбосари.

471. **Макарова** Антонина Михайловна — «Средазуголь» комбинатининг бўлим бошлиғи.

472. **Макаренко** Александра Николаевна — Фарғона область ижроия комитетининг бўлим бошлиғи.

473. **Мақсудов** Мирвохид — Доимий ваколатхона маслаҳатчиси.

474. **Макшанов** Филипп Кузьмич — Бекобод районидаги 1-нчи «Далварзин» совхозининг механиги.

475. **Маликов** Шоаҳмад — Давлат Контроли министрлигининг бош контролёр вазифасини бажаручи.

476. **Малихин** Федор Григорьевич — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари.

477. **Мамажонов** Олимжон — Сталин районидаги Ленин номли колхознинг звено бошлиғи.

478. **Маманазарова** Холби — Фарғона районидаги Каганович номли колхознинг звено бошлиғи.

479. **Маматқулова** Кўпайсин—Молотов районидаги «Қаҳрамон» колхозининг а'зоси.

480. **Мамадалиев** Қилич — Ўзбекистон К(б)П Балиқчи район комитетининг бўлим мудири.

481. **Мамадалиев** Мамасоли — Пахтаобод район матлубот жамияти союзининг раиси.

482. **Мамажонов** Хожимат — Охунбобоев районидаги 2-нчи МТСнинг механиги.

483. **Мамедов** Мансур — Қизилтепа районидаги «Зироат» колхозининг бригада бошлиғи.

484. **Мамон** Ольга Андриановна — Ўзбекистон К(б)П Урганч район комитетининг бўлим мудири.

485. **Мангелдин** Султонбек Алдабекович — Давлат контроли министрлиги бош контролёрининг ўринбосари.

486. **Манахов** Владимир Петрович — Термиз район ижроия комитети сув хўжалиги бўлимининг старший техниги.

487. **Манабоев** Зулхўжа — Давлат хавфсизлиги министрлиги Тошкент область бошқармасининг ходими.

488. **Маннонов** Назрулла — Оққовоқ марказий агротехника тажриба станциясининг илмий ходими.

489. **Мардонова** Рўзи — Бешкент районидаги «Қаҳрамон» колхозининг звено бошлиғи.

490. **Ма'рупов** Ин'ом — Пискент районидаги «III Интернационал» колхозининг бригада бошлиғи.

491. **Мартинсон** Владимир Александрович — Ўрмон хўжалиги министрлигининг бўлим бошлиғи.

492. **Мартьянова** Мария Михайловна— Ўзбекистон ЛКСМ Андижон шаҳар комитетининг секретари.

493. **Мартинов** Андрей Тимофеевич — Фарғона область, «Средазнефть» бўлими бошлиғининг ўринбосари.

494. **Матвеев** Дмитрий Михайлович — Ўт ўчириш командаси бошқармасининг бошлиғи.

495. **Матсаидов** Мамадали — Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхози ҳосилот советининг раиси.

496. **Маткаримова** Қурбонжон—Гурлан районидаги Сталин номли колхознинг звено бошлиғи.

497. **Маҳкамов** Малик — Каганович район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг бошлиғи.

498. **Маҳкамова** Хожия — СССР Алоқа Министрлиги Тошкент область вакилининг ўринбосари.

499. **Маҳкамов** Абдуқодир — Наманган область, Матлубот жамияти союзи правлениесининг раиси.

500. **Маҳкамова** Қамар — ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги олий партия мактабининг тингловчиси.

501. **Маҳмудов** Обид — Ўзбекистон К(б)П Самарқанд область комитетининг лектори.

502. **Маҳмадқулов** Зокирия—Ўзбекистон К(б)П Самарқанд область комитетининг инструктори.

503. **Мачулина** Мария Максимовна — Ўзбекистон К(б)П Фарғона область комитетининг инструктори.

504. **Мачулин** Максим Федорович—Фарғона консерва заводининг старший кочегари.

505. **Мелишева** Нина Григорьевна — Қарши шаҳар амбулаториясининг мудири.

506. **Мильников** Владимир Яковлевич — Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг инструктори.

507. **Мелиева** Ширин — Каттақўрғондаги ўзбек театрининг артисти.

508. **Менглиева** Раҳима — Деҳқонобод районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг а'зоси.

509. **Миносьян** Арташес Петросович — Самарқанд тамаки ферментацион заводининг директори.

510. **Миралиев** Абдураим — Уйчи районидаги 1-нчи МТСнинг тракторчиси.

511. **Мирбобоева** Башорат Тўлагановна —Тошкент станцияси депосининг машинисти.

512. **Мирзаев** Тўрақул — Балиқчи районидаги Юсупов номли колхоз раисининг ўринбосари.

513. **Мирзаев** Турғун — Пахтаобод районидаги «Учқун» колхозининг раиси.

514. **Мирзаева** Анбар — Бойсун районидаги Карл Маркс номли колхознинг звено бошлиғи.

515. **Мирзаев** Алиназар — Совхозлар министрлиги пахтачилик совхозлари бошқармасининг бошлиғи.

516. **Мирзаев** Нурмат — Жарқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг раиси.

517. **Миразимов** Мирфозил — Пахтаобод районидаги Ильич номли колхоз ҳосилот советининг раиси.

518. **Мирзааҳмедов** Камол — Учқўрғон районидаги 2-нчи МТС нинг механизатори.

519. **Мирзоиров** Убайдулла — Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети ишлар мудирлиги бошқаручисининг ўринбосари.

520. **Мирзақулов** Мамажон — Норин районидаги «Правда» колхозининг раиси.

521. **Мирзакаримов** Мирзараҳим — Бағдод районидаги Юсупов номли колхознинг бригада бошлиғи.

(ДАВОМИ БОР)

*) Боши «Қизил Узбекистон»нинг 17, 19, 20, 24, 28, 29 январь, 1, 2, 3, 4, 12, 14, 15, 24 февраль, 8, 15 ва 21 март сонларида босилган.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Партия маорифи шохобчаларига яхши раҳбарлик қилинмаётир

Қўқон шаҳар партия комитети ВКП(б) ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетларининг кўрсатмаларига амал қилиб, партия маорифи шохобчаларида ўқишни анчагина яхши уюштирди.

Бунга мисол қилиб шаҳар савдо бўлими бошланғич партия ташкилоти ҳузуридаги «ВКП(б) тарихи қисқа курси»ни ўрганиш тўгарагини (раҳбари ўртоқ Мушеев) кўрсатса бўлади. Тўгаракка жалб қилинган 25 коммунистнинг ҳаммаси машғулотга ўз вақтида иштирок қилиб, ўтилган темаларни пухта ўзлаштириб бораётир. Шунингдек, ўртоқ Поль раҳбарлик қилаётган Союзтранс бошланғич партия ташкилоти ҳузуридаги сиёсий мактабда ҳам машғулотлар мунтазам давом этмоқда.

Аммо ба'зибир бошланғич партия ташкилотлари ҳузуридаги сиёсий мактаб ва «ВКП(б) тарихи қисқа курси»ни ўрганиш тўгаракларида коммунистларнинг машғулотга системали равишда иштирок қилмасликлари, ўтилган темаларни пухта ўзлаштириб олмасликлари каби фактлар содир бўлмоқда.

Муқимий номли шойи-атлас тўқиш артелининг бошланғич партия ташкилоти ҳисобида 22 коммунист бор. Лекин бу ерда ташкил қилинган сиёсий мактабга коммунистлардан атиги 8 киши жалб қилинган. Сиёсий мактабга жалб этилган коммунистлар машғулотга ўз вақтида иштирок қилмайдилар. Айниқса, коммунистлардан Алиева, Маҳмудова, Холматов ўртоқлар партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йили бошлангандан буён бирор марта ҳам машғулотга қатнашган эмаслар.

Сиёсий мактаб раҳбари ўртоқ Аҳмедовнинг машғулотга тайёргарлик кўрмасдан келиши суҳбатларнинг жуда паст савияда ўтишига сабаб бўлмоқда. У машғулотларни кўпинча конспектсиз ва кўргазмали қуролларсиз ўтказади. Натижада, сиёсий мактаб ўқучилари ўтилган темаларни пухта ўзлаштириб ололмайдилар. Сўнгги 4 ярим ой мобайнида сиёсий мактабда 18 марта ўрнига 6 марта машғулот ўтказилган, холос.

Бундай аҳволларни ўт ўчириш командаси бошланғич партия ташкилоти ҳузурида ўртоқ Муллажон Ҳасанов раҳбарлик қилаётган сиёсий мактабда ҳам учратиш мумкин. Бу ташкилот ҳисобидаги коммунистларнинг кўпчилиги ўзларининг сиёсий савияларини оширишга ҳаракат қилмайди.

Ўзбекистон К(б)П Қўқон шаҳар комитетининг пропаганда ва агитация бўлими сиёсий мактаб ва тўгаракларда машғулотларнинг ўз вақтида ва юксак савияда давом этиши, барча коммунистларнинг партия маорифи шохобчаларига жалб қилиниши учун тегишли тадбирлар белгилаши керак.

Р. ҲАМДАМОВ.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ СЕКРЕТАРЬЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ

Ўзбекистон К(б)П Гурлан район комитети колхоз бошланғич партия ташкилотлари секретарьлари, агитколлектив ва агитпункт мудирларининг кенгаш семинарини ўтказди.

Кенгашда кўклам экиш кампанияси даврида колхозчилар ва тракторчилар ўртасида, оммавий-сиёсий ишларни ташкил қилишда бошланғич партия ташкилотларининг вазифалари ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Кенгаш охирида «Халқаро аҳвол», «Совет Иттифоқи — тинчлик ва демократия таянчи» деган темаларда лекциялар ўқилди.

Ишлабчиқаришда коммунистларнинг авангардлик роли кучайтирилмоқда

Охунбобоев номли Самарқанд кўн заводининг партия бюроси корхона ма'муриятининг фаолияти устидан партия назоратини кучайтириш, ишлабчиқаришда барча коммунистларнинг авангардлик ролини та'минлаш, ВКП(б) XVIII конференцияси томонидан чиқарилган қарорларни амалга ошириш соҳасида анчагина ишлар қилди. Партия ташкилоти ҳисобидаги 46 коммунистнинг деярлик ҳаммаси бевосита цехларга, ишлабчиқаришнинг муҳим участкаларига тўғри тақсимланди.

Тарашлаш цехи заводнинг энг муҳим цехларидан бири ҳисобланади. Хомаш'ё дастлаб шу цехда ишланади. Кейин бошқа цехларга ўтказилади. Заводнинг бир ме'ёрда юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши ва браксиз ишлаши кўп жиҳатдан тарашлаш цехининг ишига боғлиқ. Бу цехга коммунист ўртоқ Житков бошчилик қилмоқда. Бу цех ишлабчиқариш планларини ўртоқ Житков раҳбарлиги остида муттасил ошириб бажармоқда.

Цех партия ташкилоти сайловолди социалистик мусобақасини кучайтириб, февраль ойи планининг ошириб бажарилишига эришди. Цехда ишловчи 46 ишчилан 14 киши бешйиллик топшириқни, 17 ишчи эса 1950 йилнинг иккинчи ва учинчи квартал топшириқларини муддатидан олдин бажарди. Масалан, заводнинг энг яхши стахановчиларидан ўртоқ Ғаффор Не'матов 8-нчи йил ҳисобидан, ўртоқ Рофижонов 7-нчи йил ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Ишчилар ўртасида сиёсий-оммавий ишлар кучайтирилганлиги ва сайловолди социалистик мусобақа шартномаларининг бажарилганлиги туфайли цех завод кўчма қизил байроғини олишга муваффақ бўлди.

Худди шунингдек коммунист ўртоқ Карнаухов бошчилик қилаётган механика цехи ҳам январь ва февраль ойлари планини 17 процент ошириб бажардилар. Бу цехларда ҳам барча коммунистлар топшириқларни ошириб бажармоқдалар.

Охунбобоев номли кўн заводидаги коммунистларнинг деярлик асосий кўпчилиги ишлабчиқаришда мана шундай авангардлик намунасини кўрсатмоқдалар ва барча партиясиз ишчиларни ойлик ва квартал планларини ошириб бажариш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга сафарбар қилмоқдалар.

Завод партия ташкилоти ишчиларнинг малакасини ошириш, айниқса маҳаллий ишчилардан ва хотин-қизлардан ихтисосли кадрлар етиштиришга қатта э'тибор қилмоқда. Партия ташкилоти биринчи галда заводнинг асосий цехлари бўлган бўёқлаш ва механика цехида техника минимуми тўгараклари ташкил қилди. Бу тўгаракларда коммунистлар, комсомоллар ва партиясиз ишчилар системали равишда қатнашдилар. Партия ташкилоти ихтисосли ишчилардан Раҳимов, Саматов ва Говерков ўртоқларни техника минимуми тўгаракларига инструктор қилиб тайинлади. Улар техника минимуми тўгарагида партия ташкилоти томонидан тасдиқланган ўқув плани асосида машғулотларни мунтазам равишда давом этдирмоқдалар.

Партия ташкилотининг техника ўқувига катта аҳамият берганлиги, ишлабчиқариш планини муддатидан олдин бажаришга, шунингдек барча ишчиларнинг малакасини оширишга ва шунинг натижасида маҳсулотнинг сифатини яхшилашга катта та'сир қилди. Яқин фурсат ичида оддий ишчилардан кўплаб малакали инструкторлар етишиб чиқди. Техника минимуми тўгарагида ўқишни муваффақиятли суратда тамомлаган Арбузова, Пичурина ва бошқа ўртоқлар кейинги кунларда ўзларига берилган топшириқни муваффақият блан бажармоқдалар.

Завод 1949 йил планини ошириб бажарди, ўтган йилларга қараганда меҳнат унуми 20 процент ошди. Завод коммунистлари ўтган йилнинг иш якунларини муҳокама қилиб, қўлга киритилган бу муваффақиятлар блан қаноатланиб қолмадилар. Завод партия йиғилиши биринчи квартал планини муддатидан олдин ва ошириб бажариш тадбирларини белгилаб чиқди, ҳарбир коммунистнинг аниқ вазифаларини белгилаб берди.

Партия йиғилиши барча коммунистлардан ишлабчиқариш топшириқларини ҳеч сўзсиз бажариш ва ошириб бажаришни, фақат а'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни қаттиқ талаб қилди. Ҳозирги вақтда партия ташкилоти ҳарбир коммунистнинг ўз устига олган мажбуриятини қандай бажараётганлигини системали равишда текшириб чиқмоқда.

Партия йиғилишларида цех бошлиқлари бўлган коммунистлар ўз устларига олган социалистик мажбуриятни қандай бажараётганликлари тўғрисида ҳисобот бермоқдалар. Цех партия ташкилотчилари партия бюросига айрим коммунистларнинг ишлабчиқаришдаги авангардликлари тўғрисида ахборот бериб турмоқда.

Завод партия ташкилоти олдида сайловолди социалистик мусобақасини янада кучайтириш, барча ишчиларни ва инженер-техник ходимларни социалистик мусобақага жалб қилиш, барча цехлар ва бўлимларнинг ой ва квартал сайин бир ме'ёрда яхши ишлашини та'минлаш вазифаси турибди.

Ю. ЮНУС.

Комсомол ёшлар лекторияси

УРГАНЧ. («Қизил Узбекистон» мухбиридан). Ўзбекистон ЛКСМ Урганч шаҳар комитети ҳузурида комсомол-ёшлар лекторияси очилди.

Лекторияга область, шаҳар партия, комсомол активлари, область сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи жамиятининг лекторлари жалб этилди. Лекториянинг 6 ойлик тематик иш плани тузилди ва муҳокама қилинди.

Свердлов номли ўрта мактаб ўқитучиси ўртоқ Советников шаҳар ёшлари орасида «Дўстлик ва ўртоқлик тўғрисида» биринчи лекцияни ўқиди. Лекцияни 200 га яқин ўқучи тинглади. Лекция юқори савияда, қизиқарли ўтди.

М. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

ЯНГИ КИТОБЧА

«Қизил Узбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриёти «Бошланғич партия ташкилотлари секретарьларига ёрдам» деган китобча чиқарди.

Китобчада ўртоқ А. Абдалиннинг «Большевиклар партиясининг ташкилий принциплари», ўртоқ И. Ригаловнинг «Демократик марказчилик—большевиклар партияси ташкилий тузилишининг асосий принципи», «Ижрони текшириш—большевикча раҳбарликнинг асосий методи», ўртоқ А. Ортиқовнинг «Ленин—Сталин партиясининг а'зоси деган ном—энг улуғ номдир», ўртоқ М. Турғоновнинг «Қишлоқ бошланғич партия ташкилотлари ва уларнинг вазифалари», «Партия йиғилиши—тарбия мактаби», ўртоқ Ш. Рашидовнинг «Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг большевикча принциплари» ва бошқа партиявий-ташкилий, ички партиявий ишларга доир бирқанча муҳим мақолалар бор.

В. И. Ленин Асарларининг йигирма еттинчи томи

В. И. Ленин Асарларининг 27-нчи томига кирган нутқлар, докладлар ва мақолалар автор томонидан 1918 йилнинг 21 февралидан 27 июлигача ўтган давр мобайнида сўзланган ва ёзилган эди. Бу давр Совет давлати ва большевиклар партияси ҳаётида энг мураккаб даврлардан бири эди. Бу даврга келиб, совет ҳокимияти «зафарли юриш» ни тугаллаб, деярли бутун мамлакатда ғалаба қозонган эди. Большевиклар партияси олдида социалистик қурилишга киришиш вазифалари кўндаланг бўлиб, бу вазифаларни ғоят катта ички ва ташқи қийинчиликлар вазиятида бажаришга тўғри келди.

Ёш Совет давлатини мустаҳкамлаш ва бир мамлакатда ғалаба қозонган социалистик революциянинг муваффақиятларини халқаро империализмдан ҳимоя қилиш вазифалари империалистик урушдан революцион йўл блан чиқишни қаттиқ талаб этар эди.

В. И. Ленин Асарларининг 27-нчи томига киритилган асарлар Ленин блан Сталиннинг, большевиклар партиясининг сулҳ учун, ёш Совет давлатини мустаҳкамлаш учун, социалистик қурилишни кенгайтириб юбориш учун олиб борган буюк курашини акс этдиради.

27-нчи томда В. И. Ленин Асарларига биринчи марта киритилаётган 17 ҳужжат э'лон қилинган. Булар ўртасида қуйидагилар бор: Герман элчиси Мирбахнинг ўлдирилиши ва «сўл»-эсерлар ис'ёни муносабати блан «И. В. Сталинга юборилган ва ундан олинган телеграммалар», «Прямой провод орқали И. В. Сталин блан мусоҳаба», «И. В. Сталиннинг Россия жанубида озиқ-овқат ишларига раҳбар қилиб тайинланиши», «И. В. Сталинга телеграмма» ва бошқалар.

Бу томга киритилган мақола ва ҳужжатлар совет ҳокимияти учун энг мураккаб бўлган даврлардан бирида социалистик революциянинг доҳилари Ленин блан Сталин ўртасидаги буюк ҳамкорликни яққол акс этдиради. Ленин блан Сталиннинг раҳбарлиги Ватанимизни ҳалокатдан сақлаб қолди, революциямизнинг кўп сонли ички ва ташқи душманлари устидан ғалаба қозониш ва Совет давлатини мустаҳкамлаш ишини та'минлади.

☆

Большевиклар партияси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг дастлабки кунларидан бошлабоқ сулҳ учун курашни кучайтириб юборди. Совет ҳукумати урушаётган барча халқларга ва уларнинг ҳукуматларига дарҳол адолатли ва демократик сулҳ тузиш тўғрисида музокаралар бошлашни таклиф қилди.

Броқ, кайзер Германиясининг кучи блан совет ҳокимиятини янчиб ташлашни мўлжаллаган Англия ва Франция империалистлари сулҳ тўғрисида музокара бошлашдан бўйинтовладилар. Совет ҳукумати сулҳ тўғрисида Германия ва Австрия блан музокаралар бошлашга мажбур бўлди. Герман империалистлари ғоят даражада оғир сулҳ шартларини қўйдилар. Халқ хўжалиги вайрон бўлган, халқ оммаси урушдан жуда чарчаган ва эски армия тарқалиб кетаётган бир шароитда урушни давом этдириш ёш Совет республикасининг ҳаётини хавф остида қолдириш блан бир эди.

В. И. Ленин социалистик революциянинг манфаатларини кўзлаб, нафасни ростлаб олиш ва совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун сулҳ шартлари нақадар оғир бўлса ҳам уларга рози бўлиш керак, деди.

«Эндиликда урушни давом этдириш,— деб ёзган эди Ленин, — об'ектив суратда рус буржуазиясининг иғвогарлигига берилиш демакдир. Рус буржуазияси Россиянинг ҳозирги пайтда ҳимоясиз эканлигини ва ҳатто германларнинг оз сонли кучлари томонидан ҳам тор-мор келтирилиши мумкин эканлигини яхши билади. Германлар учун Питер ва Москвани олиш мақсадида асосий темир йўлларни кесиб қўйиш, бу шахарлардаги аҳолини оч қолдириш кифоядир. Буржуазия урушни истайди, чунки совет ҳокимиятини ағдаришни ва немис буржуазияси блан келишишни хоҳлайди» (38 бет).

Томда Троцкий ва «сўл коммунистлар»нинг иғвогарлик сиёсатига, ҳали ўз армиясига эга бўлмаган ёш Совет республикасини урушга тортиш сиёсатига қарши қаратилган ҳужжатлар анчагина ўринни эгаллайди. Булар қаторига қуйидагилар киради: «Революцион сафсаталар тўғрисида», «Тинчликми ёки урушми?», «Оғир, лекин зарурий сабоқ», «Таажжубланарли ва баҳайбат нарса», «Амалий заминга», «Жиддий сабоқ ва жиддий мас'улият», шунингдек, сулҳ тўғрисида партиянинг VII с'ездида ва Советларнинг Фавқулодда IV с'ездида қилинган докладлар ва охирги сўзлар.

Партия ичидаги хоин Троцкий ва Бухарин бошчилигидаги душманлар агентураси большевиклар партиясининг сулҳ масалалари тўғрисидаги сиёсатига қарши қаттиқ кураш олиб борди. Бу агентура оқгвардиячилар, меньшевиклар ва эсерлар блан биргаликда урушни давом этдиришни ёқлади, сулҳ шартномасининг имзоланишига қарши чиқди.

Партия ва совет халқининг бу душманлари кейинчалик узил-кесил аниқланишича, «сўл» гаплар блан ниқобланган ҳолда аксилинқилобчилик фитнасини уюштириб, эсерлар блан бир бўлиб, Ленин, Сталин ва Свердловга суиқасд қилиш учун тайёрландилар, совет ҳокимиятини ағдариш учун герман қўшинларини гиж-гижлаш мақсадида сулҳ тўғрисидаги музокараларни барбод беришга урундилар. Троцкичи-бухаринчи хоинлар партияни парчалаб, унинг сафларини бузиб юборишга интилдилар.

Броқ уларнинг қора ниятлари чиппакка чиқди. Большевиклар партияси Ленин ва Сталин атрофида қаттиқ жиплашди, «сўл коммунистлар»ни тор-мор келтириб ва ажратиб яккалаб қўйиб, Троцкий ҳамда унинг малайларининг мунофиқона сиёсатига қақшатғич зарба берди.

В. И. Ленин Троцкийнинг ва «сўл коммунистлар»нинг мунофиқона сиёсатини фош қилиб, «Жиддий сабоқ ва жиддий мас'улият» деган мақоласида Троцкий ва Бухарин «амалда герман империалистларига ёрдам қилдилар ва Германияда революциянинг ўсиши ва кучайишига халал бердилар» (58 бет) деди.

В. И. Ленин «Сўл» бачканалик ва майда буржуазиячилик тўғрисида» деган асарида Брест сулҳи ва ички сиёсат масалалари юзасидан «сўл коммунистлар»га қарши олиб борилган курашга якун ясади, «қутирган майда буржуазия» манфаатларининг ифодачилари бўлган, «империалистик иғвогарликнинг қуроли» бўлган «сўл коммунистлар»ни тавсифлаб берди.

Ленин Брест сулҳининг тузилишини душманнинг кўп сонли кучлари таз'йиқи остида уюшган ҳолда чекиниш деб билиб, революция кучларини мустаҳкамлаш учун, унинг кучларини тўлдириш ва душманга қарши янгидан ҳужум бошлаш учун нафасни ростлаб олишни мақсад қилиб қўйди. Бу, дейди ўртоқ Сталин, вақт ютиб олиш ва империализм лагеридаги тўқнашувлардан пролетар революцияси манфаатлари учун фойдаланиш имкониятини берган доҳиёна стратегик план эди.

Ленин Совет республикасининг халқаро аҳамиятини зўр ихтирос кучи блан та'кидлаб кўрсатар эди.

«Совет ҳокимиятини сақлаб қолиш блан, — деб ёзган эди Ленин, — биз барча мамлакатларнинг пролетарлари ўз буржуазиясига қарши олиб бораётган ҳаддан ташқари қийин, оғир курашида уларга энг яхши, энг кучли ёрдам берган бўламиз» (39—40 бетлар).

Ўртоқ Сталин Ленин блан биргаликда троцкичи-бухаринчи хоинларга қарши муросасиз кураш олиб борди. Ленинча-сталинча сиёсат ғалаба қилди. 23 февральда партия Марказий Комитетининг немис қўмондонлиги томонидан қўйилган шартларни қабул қилиш ва сулҳ шартномасини имзолаш тўғрисидаги қарори чиқди.

Партиянинг 6 март куни очилган VII с'езди Лениннинг Брест сулҳи тўғрисидаги масала юзасидан ёзган резолюциясини қабул қилди ва «сўл коммунистлар»нинг хоинлик ҳатти-ҳаракатларини ва иғвогарлик сиёсатларини ла'натлади.

Ленин с'езд томонидан юқоридаги резолюция қабул қилинган куннинг эртасига ёзган «Бахтсиз сулҳ» деган мақоласида бундай деган эди:

«Сулҳ шартлари ҳаддан ташқари оғир. Лекин ҳар ҳолда тарих ўз ишини қилади... Ҳарқандай оғир имтиҳонларга қарамай келажак бизники» (32 бет).

Турмуш ленинча-сталинча стратегия ва тактиканинг донолиги ва узоқни олдиндан кўришини тўла-тўкис тасдиқлади. Брест сулҳи тузилгандан сўнг совет ҳокимияти қўлга киритган нафасни ростлаб олиш вақти империалистик лагерьдаги зиддиятлардан фойдаланиш, кучлар тўплаш, Совет давлатини мустаҳкамлаш имкониятини, душманни тор-мор келтиришни та'минлаган Совет Армиясини тузиб олиш имкониятини берди.

Ленин ва Сталин Брест сулҳи учун ҳартарафлама курашиб, халқимизнинг барча кучларини социалистик Ватан мудофаасига сафарбар этдилар ва янги, Совет Армиясини тузиш учун катта ишлар қилдилар. Немис империалистлари ярашиш тўғрисидаги битимни бузган ва Совет Россиясига ҳужум қилган пайтда Ленин блан Сталин халқимизни Ватан мудофаасига отлантирдилар. Ленин «Социалистик Ватан хавф остида! Яшасин социалистик Ватанимиз!» (14 бет) деган эди. Партиянинг чақириғига биноан совет мамлакатини ҳимоя қилишга отланган қуролли ишчи ва деҳқонлар Псков ва Нарва ёнида немисларни тор-мор келтирдилар. 1918 йилнинг 23 февралида бўлган ана шу жангларда қудратли Совет Армияси вужудга келди.

☆

Брест сулҳи Совет давлатининг социалистик қурилишга киришиш учун имкон берди. В. И. Лениннинг 27-нчи томга киритилган асарларида социалистик қурилишнинг улуғвор программаси баён қилиб берилган.

Тракторларнинг кеча-кундуз ишлашини та'минлаб, ер ҳайдаш ва чигит экишни кун сайин кучайтириб юборайлик!

☆ ☆ ☆

Ер ҳайдашнинг кечикишига нималар сабаб бўлмоқда

Туш пайти. Тракторларнинг гуриллаган садоси колхоз қишлоғини янгратади... Гўё, бу ерда ер ҳайдаш қизиб кетипти, — деб ўйлайсиз.

Худди шу пайтда Наманган районидаги Ленин номли колхоз раиси П. Шоматов, бошланғич партия ташкилотининг секретари М. Қурбонов, ҳосилот советининг раиси ва бошқа активлар колхоз идораси олдида офтобга исиниб ўтирадилар.

— Ишлар қалай, раис?

— Яхши.

— Тракторлар блан қанча ер ҳайдалди?

— Трактор кечагина ишга тушди.

Бу қисқагина суҳбатдан колхоз раиси, партия ташкилотининг секретари ва бошқа активларнинг дала ишларидан яхши хабардор эмасликлари ма'лум бўлди. Улар ҳатто тракторларнинг қайси бригадаларда ишлаётганини ҳам айтиб беролмадилар.

Далага бордик. 3-нчи бригадада дизель трактори, 2-нчи бригадада 2 та ХТЗ трактори ишлаб турипти. Броқ бу ерда тракторчилардан бошқа ҳечким йўқ. Колхоз правлениеси тракторчиларга сув ташиб беручи ва бошқа ёрдамчи кишилар биркитиб қўймаган. Тракторчиларга тегишли шароит яратиб берилмаган, уларнинг ётоқ жойлари яхши эмас.

— Биз, — дейишади тракторчилар, — ҳалигача бу ерларнинг ярмини ҳайдаб қўйган бўлар эдик. Колхоз раҳбарлари 1 мартдан 13 мартгача «ҳали ерларимиз етилгани йўқ» деб баҳона қилиб келдилар. Ишга тушганимиздан кейин эса, ўз ҳолимизга ташлаб қўйдилар.

290 гектар ерга чигит экиши керак бўлган бу колхозда ер ҳайдаш ишлари жуда кечиктирилмоқда. Сўнгги 3 кун ичида ҳам ер тайёрлаб берилмагани орқасида, тракторлар блан атиги 5 гектар ер ҳайдалган, холос. Бундан ташқари, колхозлаги ўнлаб от-улов мутлақо ер ҳайдаш учун фойдаланилмаган.

Колхоз партия ташкилоти кўкламга тайёргарлик ишларини кучайтиришдан четда турипти. Коммунистлар трактор бригадаларига биркитилмаган. Партия ташкилотининг секретари ўртоқ Қурбонов шу вақтгача далага чиқмаганига ўзи ҳам иқрор бўлди. У лоақал тракторлар қаерда ва қандай ишлаётганини, тракторчиларга қандай шароит яратиб берилганини ҳам билмайди. Бу ердаги 4 трактор учун ҳар куни 1.200 килограмм керосин талаб қилинади. Лекин колхозда фақат 800 килограмм керосин сиғадиган идиш бор. Ер ҳайдаш оммавий тус олган вақтда бу аҳволнинг иш сур'атига катта халал бериши турган гап.

Наманган областининг кўпчилик колхозларида аҳвол ана шундай. Наманган районидаги 1-нчи МТС трактор ремонтини областьда биринчи бўлиб тамомлаган бўлса ҳам ер ҳайдашда энг орқада қолмоқда. Бунга сабаб шуки, трактор ишлари юқоридаги сингари ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. МТС хизмат қиладиган Энгельс номли, «1 Май», «Қизил юлдуз», Чкалов номли ва Сталин номли колхозларда иш жуда ҳам суст бормоқда. Бу колхозларда тракторчиларга 10 кунлаб ер кўрсатиб берилмай келди. Шунинг учун ҳам ер ҳайдаш ишлари ниҳоятда кечикди.

Уйчи районидаги 2-нчи МТС хизмат қилаётган колхозларнинг кўпчилигида тракторлардан фойдаланиш масаласига ниҳоятда мас'улиятсизлик блан қараб келинмоқда. Ўнҳаёт қишлоқ советидаги Ленин номли колхозга (раиси ўртоқ Д. Сатторов) 1 мартда келган 1 НАТИ ва 1 ХТЗ тракторига ҳозиргача сув ташучи ва ёрдамчи биркитиб қўйилмаган. Тракторчилар ҳақида ғамхўрлик қилинмаётир. Бу масала район партия комитетининг бюросида муҳокама қилиниб, махсус қарор чиқарилган эди. Лекин шундан кейин ҳам амалда ҳечқандай ўзгариш бўлмади. Район партия комитетининг бу ердаги вакили ўртоқ Р. Хайитов (район партия комитетининг секретари) юз берган камчиликларни битириш учун ҳечқандай чора кўрмади. 13 — 14 март кунлари чироқ йўқлиги учун, тракторлар кечаси ишламасдан тўхтаб қолди.

Наманган, Учқўрғон, Уйчи, Норин районларидаги кўп колхозларнинг раҳбарлари: «ҳали ер етилган эмас, ёмғир ёғса ҳайдалган ерлар чўкиб қолади» деган баҳоналар блан ер ҳайдашни кейинга сурмоқдалар.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси ва унинг бошлиғи ўртоқ С. Дадабоев кўклам дала ишларига қониқарсиз раҳбарлик қилмоқда. Янгиқўрғон районидаги 1-нчи МТС (директори ўртоқ Йўлдошев), Бўз МТСи (директори ўртоқ А. Муҳиддинов)-даги тракторларнинг ярмидан кўпи ҳозиргача ишга солинмаган бўлса ҳам, область қишлоқ хўжалик бошқармаси бунга э'тиборсиз қараб келмоқда.

Юқоридаги аҳволлар натижасида областьда 20 мартгача жуда кам ер ҳайдалди. Кўпчилик колхозларда от-улов кучлари ер ҳайдашга сафарбар этилмаган, барча колхозчилар дала ишларига тортилмаган.

Область партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари кўклам дала ишларига оператив раҳбарликни кескин равишда кучайтирмасалар, Наманган областида ер ҳайдаш ва чигит экиш ишлари кейинга сурилиб кетиши турган гап.

«Қизил Узбекистон» ва «Сталин ҳақиқати» газеталарининг рейд бригадаси:
С. ОТАЖОНОВ, И. АЛИЕВ, Р. ЗИЁЕВА, Н. АБДУЛЛАЕВ.



Янгийўл районидаги Юсупов номли колхозда тракторчи ўртоқ **Султон Қозоқбоев** ЧТЗ трактори блан ҳар куни нормадаги 4,5 гектар ўрнига 7 гектардан ер ҳайдамоқда. Суратда: ўртоқ Султон Қозоқбоев ер ҳайдашда.

И. Глауберзон фотоси.

Чигит экишни 5 апрельгача тугаллаш учун

Бухоро область, Қоракўл районидаги Сталин номли колхоз ўтган йил пахта тайёрлаш планини ошириб бажарган эди.

Колхоз а'золари республика пахтачилик илғорлари қурултойи қатнашчиларининг мурожаатига жавобан бу йил 171 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олиб, бригада, звенолар ўртасида социалистик мусобақани кучайтириб юбордилар.

Колхоз пахта ерларининг ҳар гектарига кузда етарли миқдорда маҳаллий ўғит солиб, кўп қисмини шудгор қилиб қўйган эди. Эрта кўкламдан бошлаб ерни экишга тайёрлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Қишлоқ хўжалик асбоблари ремонтдан чиқарилди, ариқ-зовурлар тозаланиб бўлди.

Колхознинг ўртоқ Норқул Каримов бошлиқ юзцентнерчи звеноси биринчи бўлиб чигит экишни бошлаб юборди.

Колхозчилар бу йил чигит экишни 5 апрельгача тугаллаш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

Ш. АМИНОВ.

Қўриқ ерлар экишга яхши тайёрланмаётир

Қуйичирчиқ районининг колхозлари олдида 1950 йилда катта ва мас'улиятли вазифалар турибди. Районда кўп миқдорда канон экилади. Бу район шоли экишда ҳам Тошкент областида йирик райондир. Бунинг устига, районнинг колхозлари анча ерга жут экишлари керак.

Қишлоқ хўжалик экинлари экиш ва уларнинг ҳосилини ошириш юзасидан белгиланган давлат планини муваффақиятли бажариш учун ирригация ва мелиорация соҳасида катта ишлар қилиш талаб этилади. Районнинг колхозлари шу йил кўкламда 2.200 гектар қўриқ ерни ирригация жиҳатидан тайёрлаб, канон, шоли ва бошқа экинлар экишлари керак.

Ҳолбуки, районда бу муҳим ишга етарли э'тибор берилмаётир. Район сув ва қишлоқ хўжалик органларининг ходимлари ҳаддан ташқари бегамлик ва сусткашлик кўрсатмоқдалар. Шу сабабли 14 мартгача фақат 30 процент ер суғоришга тайёрланган, холос.

Райондаги кўп суғориладиган экин майдонларини қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳисобига кенгайтириш масаласи блан мутлақо шуғулланмайдилар. Масалан, «ОГПУ» колхози шу чоққача бир гектар ҳам қўриқ ерни суғоришга тайёрлагани йўқ. Ҳолбуки, район ташкилотларининг планига мувофиқ, бу колхоз шу йил 33 гектар ерни ишга солиши керак.

«Трудовик», «Комсомол», «Кенгес», «III Интернационал», Калинин номли, «Путь Ленина», «Большевик» ва бошқа колхозларда ҳам қўриқ ерларга ариқ очиш юзасидан деярлик ҳечқандай иш қилинмаган.

Қуйичирчиқ районининг колхозларида қўриқ ерларни суғоришга тайёргарлик ишлари шу хилда қониқарсиз боришига кўп жиҳатдан район қишлоқ хўжалик бўлими ва МТС директорлари жавобгардир. Улар суғориладиган янги ерларни ишга солиш фақат сув хўжалиги ходимлари ва колхозларнинг иши деб қараб келмоқдалар.

Район қишлоқ хўжалик бўлими сув чиқариш учун тайёрланган 1.250 гектар ердан ҳозиргача бир гектарини ҳам расмий равишда қабул қилиб олмаган. МТС директорлари тайёрланган ерларни ўзлаштиришга э'тибор бермаётирлар. 1.200 гектар ер сув чиқариш учун тайёрланган бўлса ҳам, шундан фақат 356 гектари ҳайдалган. Бирқанча колхозларда қўриқ ерларни ҳайдашга киришилмаган. Масалан, «Дальний Восток» колхозида 108 гектар қўриқ ер ишга солиниши лозим бўлгани ҳолда, фақат 2 гектари ҳайдалган. «Путь социализма» колхози бу йил 102 гектар қўриқ ерни ўзлаштириши керак. Шундан 72 гектари суғориш учун тайёрланган. МТС эса фақат 10 гектарини ҳайдаган.

Район партия комитети (секретари ўртоқ Қосимов) район қишлоқ хўжалик бўлими ходимлари ва МТС директорларининг қўриқ ерларни ўзлаштириш масаласига э'тиборсиз қараётганликларини билса ҳам, уларга нисбатан қаттиқ чора кўрмаётир. Колхоз правлениеларининг янги ерларни ўзлаштириш соҳасидаги ишлари қаттиқ назорат остига олинмаган. Суғориладиган қўриқ ерларни ўзлаштириш йўли блан экин майдонларини кенгайтиришни истамаётган колхоз раҳбарларига нисбатан муросасозликка йўл қўйилмоқда.

Қуйичирчиқ ирригация системаси бошқармаси кўнгилдагидек ишламаётир. Экскаватор блан бажариладиган ишлар учун шу дамгача Тошкент машина-экскаватор станцияси блан шартнома тузилмаган. Бош инженер ўртоқ Трегубов колхозларда ўзлаштириладиган қўриқ ерларга сув чиқариш қандай аҳволда эканлигини билмайди.

Район партия комитети ва район ижроия комитети қўриқ ерларни ўзлаштириш ишларига раҳбарликни кучайтириб, қишлоқ хўжалик органлари ва машина-трактор станцияларининг ишида қаттиқ тартиб ўрнатишлари, бу ишдаги қолоқликни яқин фурсатда тугатишлари, ҳамма колхозларда белгиланган миқдорда қўриқ ерларни ўзлаштиришни албатта та'минлашлари керак.

Н. ОСИН.

Харидорларга маданий хизмат кучайтирилсин

Шу кунларда Узбекистон матлубот кооперациясининг қишлоқлардаги сельполари пайчилар ўртасида ўз ишлари тўғрисида ҳисоб бермоқдалар. Тошкент областининг Калинин, Оржоникидзе, Қорасув ва Тошкент қишлоқ районларида кўпгина сельпо правлениелари ўз фаолиятлари ҳақида ҳисоб бердилар. Ҳисобот йиғилишлари танқид ва ўз-ўзини танқид остида ўтаётир.

Пайчилар ва харидорлар савдо ходимларининг ишидаги камчиликларни кескин танқид асосида очиб ташламоқдалар. Тошкент қишлоқ районига қарашли Оржоникидзе ва Сталин сельполарида ўтказилган ҳисобот йиғилишларида харидорлар магазинларда турли-туман молларнинг камлиги, ба'зи савдо ходимларининг харидорлар блан маданий муомалада бўлмаганликлари, мол келтириш кўпинча кечиктирилаётгани ҳақида гапирдилар. Бу сельполарнинг дўконларида колхозчилар учун энг керакли бўлган кетман, арава мойи, от-улов асбоблари камдан-кам сотилади. Ҳолбуки, бундай моллар савдо омборларида етарлик миқдорда бор.

Пайчилар, Сталин сельпосининг раиси ўртоқ Акбар Аҳмедовни савдо ишида қаттиқ тартиб ўрнатмаганлиги, давлатга топширилган пахта учун колхозларга бериладиган ёғ, буғдой ва бошқа молларни ўз вақтида етказиб беришга ўтакетган даражада мас'улиятсизлик блан қараганлигини жуда тўғри танқид қилдилар. Тельман сельпосида бўлган йиғилишда сельпонинг савдо мудири Назирхоновнинг кўкламда зарур нарсаларни, чунончи эгар-жабдуқ, бошқа қишлоқ хўжалик асбобларини келтиришга аҳамият бермаганлигини ҳам танқид қилдилар. Бу сельпода давлат мулкини эҳтиётлик блан сақлашга, сельпонинг харажати учун чиқарилган маблағларни тежаб-тергаб сарфлашга э'тибор берилмайди. Сельпо раиси ўртоқ Х. Тўраева «Иттифоқ» колхозига 10 минг сўмлик молни нас'яга бериб юборган. Бу пул бир йилдан бери ундирилмаган. Сельпо харажатлари учун ажратилган маблағдан 74 минг сўми қонунсиз харажат этилган. Сельпо правлениеси пайчилар блан иш олиб бормаган, уларнинг талабларига қулоқ солмаган ва харидорлар талаб қилган нарсаларни ўз вақтида келтириб беришга э'тибор қилмаган. Пайчилардан а'золик ҳақи йиғишга мутлақо э'тибор қилинмаган. Шу сабабли ўтган йили а'золик ҳақи тўплаш плани фақат 2,9 процент бажарилган.

Сельпо правлениеларининг ҳисоботлари юзасидан ўтказилаётган йиғилишларда пайчилар бундан кейин савдо-сотиқ ишларини янада яхшилаш юзасидан қимматли маслаҳатлар бермоқдалар.

М. ЭМИНОВ.

Савдо-сотиқ ишлари кенгаймоқда

УРГАНЧ, (**«Қизил Узбекистон» мухбиридан**). СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг озиқ-овқат ҳамда саноат молларининг чакана нархини яна ҳам камайтириш тўғрисидаги қарори чиққандан кейин, Хоразм областининг районларида савдо-сотиқ ишлари янада кучайди. Район матлубот союзига қарашли дўконларга жуда кўп миқдорда озиқ-овқат ва саноат маллари чиқарилди. Молларнинг хиллари кўпайтирилди.

Урганч ва Хева шаҳарларида 10 тадан ортиқ озиқ-овқат дўкони очилди. Қўшкўпир районининг марказида катта универмаг очилди. Бу универмагда тайёр кийимлар, пойафзал ва маданий моллар сотилмоқда. Қишлоқ советларидаги кўпгина дўконлар кенгайтирилди. Сўнгги кунларда дўконларда февраль ойидагига қараганда бир ярим марта ошиқ мол сотилди.

Айрим районларда кўклам экиш даврида колхозчиларга саноат ва озиқ-овқат молларини тезликда етказиб бериш учун кўчма дўконлар ташкил қилинди. Биргина Қўшкўпир районида бундай дўконлардан 15 та бор.

Партия ва ҳукуматимизнинг қарори э'лон қилингандан кейин колхоз бозорларида ҳам нарх-наво анча камайди. Сабзавот, картошка ва унинг баҳоси бир ва бир ярим ҳисса камайди.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИДА

„Бир савдогар ва унинг норбаччалари"

«Қизил Узбекистон» газетасининг 1946 йил 19 ноябрьдаги сонида босилган «Бир савдогар ва унинг норбаччалари» сарлавҳали мақолада Тошкент шаҳар, Сталин район, 1-нчи Оқлон маҳалласида яшовчи Сулаймонбой Юсуповнинг ҳалол меҳнат қилмай, давлатга хиёнат қилиб келгани, ўғирлик, талончилик блан топган маблағи эвазига катта тўй қилгани фош этилган эди.

Узбекистон ССР Прокуратураси мақола юзасидан текшириш ўтказганида ма'лум бўлдики, Сулаймонбой Юсупов ва унинг текинхўр шериклари яширинча тери пишириб, тайёрланган молларни чайқовчилик йўли блан сотиб, бойлик ортдирган ва бу маблағлар ҳисобига катта иморатлар қурганлар. Прокуратура Сулаймонбой Юсупов, Музаффар Сулаймонов ва уларнинг шериклари-қамоққа олиб, судга берган эди.

Жиноятчиларнинг иши яқинда Узбекистон ССР Олий суди раисининг ўринбосари Ш. Усмонов раислигида, Иброҳимов, Ҳакимова ўртоқларнинг а'золигида ва давлат қораловчиси Узбекистон ССР прокурорининг ўринбосари ўртоқ Б. Аҳмедов иштирокида очиқ суд мажлисида кўрилди.

Суд давомида айбдорларнинг барча жиноятлари тўла тасдиқланди. 10 кун давом этган суд мажлисида Сулаймонбой Юсупов ва унинг шерикларидан жабр кўрган кишилар бузғунчиларнинг жиноий ҳаракатларини ҳужжатлар блан тўла исботлаб бердилар. Сулаймонбой Юсупов Тўхта Бегматов ва Ғани Тўхтаевларни ўз уйида ишлатиб, уларга тегишли ҳақ тўламаган. Булардан ташқари, талончи текинхўрларнинг жуда кўп жиноятлари ҳам аниқланди.

Узбекистон ССР Олий судининг коллегияси Сулаймонбой Юсупов, Музаффар Сулаймонов ва Абулқосим Расулевларнинг ҳарбирини 10 йилдан қамоққа ва уларга тегишли мол-мулкларни мусодара қилишга ҳамда қамоқ муддати туғагандан кейин, 5 йилдан сайлов ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этишга ҳукм қилди.

Сулаймонбой ва унинг шериклари устидан чиқарилган ҳукмни ҳамма зўр қониқиш блан ма'қуллади.

Владимир Ильич «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» деган машҳур мақоласида партиямиз, совет халқимиз олдидаги буюк истиқболларни очиб берди. Бу асар давлатимизнинг фаолияти учун, коммунизм ғалабаси йўлида курашиш учун ҳозирда ҳам ғоят катта аҳамиятга моликдир. Лениннинг бу машҳур мақолада баён қилинган ғоялари халқ демократияси мамлакатларидаги меҳнаткашлар оммасини халқ демократияси усул-идорасини мустаҳкамлаш учун, социалистик қурилишни кучайтириш учун курашга илҳомлантирмоқда.

Большевиклар партияси раҳбарлик қилган ишчилар синфи энг камбағал деҳқонлар блан иттифоқ тузиб, жаҳон тарихида биринчи марта сиёсий ҳокимиятни қўлга олди. Энди навбатда ғоят муҳим вазифа — мамлакатни бошқаришни ташкил этиш вазифаси турар эди.

«Биз, большевиклар партияси, Россияни **ишонтирдик.** Биз Россияни камбағаллар учун бойлар қўлидан, меҳнаткашлар учун эксплоататорлар қўлидан **тортиб олдик.** Биз энди Россияни **бошқармоғимиз** лозим» (214 бет).

Ленин партия ва халқимизга мамлакатни бошқариш вазифаси—социалистик революциянинг энг қийин вазифаларидан бири эканлигини тушунтириб берди.

Ленин совет мамлакатининг иқтисодий структураси (тузилиши)ни чуқур ва ҳартарафлама таҳлил этиш асосида ўзининг «Сўл» бачканалик ва майда буржуазиячилик тўғрисида» деган асарида ўша пайтда Россияда мавжуд бўлган 5 та турли-туман ижтимоий-иқтисодий укладларни тавсифлаб берди: 1) патриархал хўжалик, я'ни кўп жиҳатдан табиий, деҳқон хўжалиги; 2) майда товар ишлабчиқариши; 3) хусусий хўжалик капитализми; 4) давлат капитализми; 5) социализм. Ленин мамлакатдаги кўп укладликни тугатиш ва социалистик Россия барпо этиш вазифасини олға сурди. Ленин пролетар диктатурасининг энг муҳим иши майда ва якка деҳқон хўжалигидан ўсиб чиқадиган майда буржуа стихиясига қарши курашдан иборатдир, деб ҳисоблади.

Ленин ишлабчиқариш ва тақсимот устидан ҳамма ерда қат'ий ҳисобот ва назорат ўрнатилгандагина социалистик қурилиш муваффақият блан кенг авж олиб кетиши мумкин деб та'лим берди.

Владимир Ильич социалистик тузум ғалабасининг энг муҳим, проварди оқибатда энг асосий шарти бўлган меҳнат унумини ошириш вазифасини совет ҳокимиятининг навбатдаги энг муҳим вазифаси сифатида олға сурди.

Ленин меҳнат унумини оширишнинг асосий шартлари социализмнинг моддий негизи бўлган йирик саноатдан, меҳнаткашлар оммасининг маданий ва илмий савиясини кўтаришдан, шунингдек, интизомни ва меҳнатни уюштиришни қат'иян юксак даражага кўтаришдан иборатдир, деб ҳисоблади.

«Совет ҳокимияти ишлашни ўрганиш керак деган вазифани халқ олдига рўйирост кўндаланг қилиб қўйиши лозим» (229 бет).

Ленин буюк доҳилик блан социалистик мусобақа ғоясини олға сурди. Ленин социалистик мусобақани уюштириш совет ҳокимиятининг муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган вазифаларидан бири деб ҳисоблади. Ленин гўё социалистлар мусобақанинг аҳамиятини инкор этадилар, деган буржуазиянинг туҳматини фош қилиб, бундай деб ёзган эди:

«Аслида эса фақат социализмгина синфларни йўқ қилиб, бинобарин, оммаининг асоратга тушишига чек қўйиб, биринчи марта мусобақанинг ҳақиқатан ҳам кенг миқ'ёсда авж олишига йўл очиб беради. Худди совет ташкилотигина буржуа республикасининг расмий демократизмидан меҳнаткашлар оммасининг давлатни **бошқаришда** чинакамига иштирок этишига йўл очиб, мусобақани биринчи марта кенг миқ'ёсда авж олдириб юборади» (230 бет).

Лениннинг социалистик мусобақа тўғрисидаги ғоялари ўртоқ Сталин асарларида янада ривожланди ва социализм қурилишида ўзининг улуғвор ҳаётбахш кучини кўрсатди. Ўртоқ Сталин социалистик мусобақа социализм қурилишининг коммунистик методи эканлигини, бу метод миллион-миллион меҳнаткашлар оммасининг ғоят катта активлигига асосланишини кўрсатди. Социалистик мусобақанинг ленинча-сталинча ғоялари умумхалқ мусобақасида яшамоқда ва ғалаба қилмоқда.

Ленин меҳнат унумининг юксак даражаларига эришиш йўлидаги ҳаракат хўжаликка раҳбарлик қилишнинг алоҳида, социалистик методларини талаб этади, темирдек интизом ва уюшқоқликни талаб қилади, деб та'лим берган эди.

«Пул ҳисоб-китобини, — деб ёзган эди у, — тартиб ва соф виждонлилик блан олиб бор, тежаб-тергаб хўжайинлик қил, дангасалик қилма, ўғирлама, меҳнатда қаттиқ интизомга риоя қил...» (215 бет).

Ленин шаҳарда социализм қурилиши блан чекланиб қолиш мумкин эмас, деб та'лим берди. У, қишлоқда ҳам социалистик революцияни кенг авж олдириш тўғрисидаги масалани қат'ият блан ўртага ташлади.

Ленин 1918 йилнинг кўкламида ёзган «Кунларимизнинг муҳим вазифаси» деган мақолада қуйидаги вазифани қўйди: «Рус элининг қандай бўлмасин қашшоқлик ва заифликдан қутилишига, унинг тўла ма'нода қудратли ва мўл-кўл бўлишига эришиш керак». Ленин бунинг учун барча имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатиб, бундай деб ёзган эди:

«Бизда табиий бойликлар жиҳатидан ҳам, киши кучлари запаси жиҳатидан ҳам, халқ ижодига улуғ революция берган ажойиб кўлам жиҳатидан ҳам чинакамига қудратли ва фаровон рус элини вужудга келтириш учун материал мавжуддир» (134—135 бетлар).

Социалистик қурилишнинг Ленин томонидан ишлаб чиқилган ва ўртоқ Сталин томонидан янада ривожлантирилган программаси партия ва совет халқининг мамлакатимизда социализм ғалабаси учун курашида йўл кўрсатучи юлдуз бўлди.

Ўлмас Ленин ишларининг улуғ давомчиси ўртоқ Сталин мамлакатни социалистик негизда қайта қуриш тўғрисида Ленин томонидан олға сурилган ғояларни ривожлантирди ва конкретлаштирди. Сталинча бешйилликлар даврида большевиклар партиясининг раҳбарлиги, улуғ Сталиннинг етакчилиги остида Лениннинг социализм қуриш тўғрисидаги васияти бажарилди. Большевиклар партияси ўртоқ Сталин раҳбарлигида халқимизнинг ижодий кучларини сафарбар этди ва мамлакатимизни саноатлашган-колхозлашган қудратли социалистик мамлакатга айлантиришга эришди.

СССРда социалистик қурилишнинг тажрибаси ғоят катта халқаро аҳамиятга эгадир. Халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашлари СССР тажрибасидан намуна олиб, ундан эксплоататорларнинг қаршилигини бостириш, мамлакатни индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, социалистик жамият қуриш йўлларини ўрганмоқдалар.

☆

Совет ҳокимияти, большевиклар партияси социалистик қурилишга киришаётганда революциянинг турли-туман душманларига қарши шафқатсиз кураш олиб боришга мажбур бўлдилар. 27-нчи томга киритилган асарлар Ленин блан Сталин совет ҳокимиятининг кўп сонли душманларини қандай қилиб тор-мор келтирганликларини кўрсатади. В. И. Ленин 1918 йилнинг 7 июлида юборган телеграммасида ўртоқ Сталинга сўл эсерлар қўзғолони тўғрисида хабар бериб, ана шу жирканч ва мунофиқ авантюристларни шафқатсизлик блан бостиришни талаб қилди. Ўртоқ Сталин жавоб телеграммасида бундай деб ёзди: «Мунофиқларга келганда, — ишончингиз комил бўлсинки, бизнинг белимиз бақувват. Душманларга душманларча муносабатда бўламиз».

27-нчи томда Зиновьев, Лашевич ва Стасовага ёзилган мактублар ва «прямой провод орқали» мусоҳабанинг текстлари э'лон қилинган. Бу ҳужжатларда Ленин Зиновьевнинг хоинлик ҳатти-ҳаракатларини ла'натлади. Чунки, Зиновьев Петроградни ҳимоя қилиш зарурлиги ниқоби остида Петроград ишчиларининг Шарқий фронтга юборилишига ҳарқандай йўллар блан тўсқинлик қилди ва шу блан Совет республикасини мудофаа қилиш ишига халал берди. Ленин Зиновьевнинг бу сиёсатига чек қўйишни қат'иян ва жиддийлик блан талаб қилди ва «бутун иш ҳалок бўлган тақдирда мас'улиятни» (513 бет) Марказий Комитетнинг Питердаги бўлими зиммасига юклади.

Ленин социализм қурилиши тўғрисидаги доҳиёна фикрларини ривожлантириб, Совет давлатини мустаҳкамлашнинг аҳамиятига катта э'тибор берди. Ленин эксплоататорларнинг қаршилигини бостириш, ҳарқандай безорилик ва жинояткорликка чек қўйиш учун **«темирдек мустаҳкам қўл керак»,** пролетариат диктатураси керак (235 бет) эканлигини уқдирди.

Ленин демократиянинг олий типи бўлган Советларни пролетариат диктатурасининг энг яхши ташкилот шакли, деб ҳисоблади.

Совет демократиясининг буюк принциплари Сталин Конституциясида ҳартарафлама ривожлантирилди ва ўзининг ёрқин ифодасини топди.

☆

Ленин Советларнинг Бутун Россия V с'ездида қилган докладини илмий башорат қилиб айтилган қуйидаги сўзлар блан тамомлади:

«...Мутлақо шубҳа йўққи, агар биз танлаб олган ва воқиалар тўғрилигини тасдиқлаб берган йўлдан борсак, агар биз ана шу йўлдан қат'ият блан ва оғишмай борсак, агар биз сафсаталарнинг ҳам, ҳаёлотларнинг ҳам, алдашларнинг ҳам, ваҳималарнинг ҳам бизни тўғри йўлдан тойдириб юборишларига йўл қўймасак, унда биз мустаҳкамланиб қолишга ва Россияда социализмнинг қат'ий ғалаба қозонишига ёрдам бериш учун, шу блан бутун дун'ёда социалистик революциянинг ғалаба қозонишига ёрдам бериш учун жаҳонда энг буюк ишончга эга бўлажакмиз» (487 бет).

Лениннинг ана шу муқаддас сўзлари мамлакатимизда социализмнинг ғалабасида, Европа ва Осиёдаги халқ демократияси мамлакатларининг социалистик қурилиш йўлидаги муваффақиятли тараққиётида, ўлмас Ленин ишларининг гениал давомчиси ўртоқ Сталин раҳбарлиги остида социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш йўлида совет халқи комил ишонч ва қат'ият блан қилаётган ҳаракатда ўзининг ёрқин ифодасини топди.

В. КАБЛУЧКО.

Қурия халқ-демократик республикаси яшнаши ва ривожланишининг гарови

Совет Иттифоқи блан Қуриянинг иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги тўғрисида Ким Ир Сеннинг ёзганлари

ПХЕНЬЯН, 20 март. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси блан Совет Иттифоқи ўртасида иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида битим тузилган кунга 17 мартда бир йил тўлди. Шу муносабат блан газеталар бу тарихий кунга бағишлаб мақолалар босиб чиқардилар. «Минджу чосон» газетаси биринчи саҳифасида И. В. Сталин ҳамда Ким Ир Сеннинг катта портретларини босиб чиқарди. «Нодон синмун» ва «Минджу чосон» газеталари бош министр Ким Ир Сеннинг «Иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида Совет Иттифоқи блан Қурия халқ демократик республикаси ўртасида тузилган битимнинг бир йиллиги муносабати блан» сарлавҳали мақоласини эълон қилдилар.

— Бундан бир йил муқаддам, яъни 1949 йил 17 мартда, — деб ёзади Ким Ир Сен, — Москвада Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Қурия халқ-демократик республикаси ўртасида иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида тузилган битим имзоланган эди. Бу битим қурия халқини озод қилган улуғ Совет Иттифоқининг қурия халқига қардошларча самимий ёрдам бераётганлигини, Қурия ва СССР халқлари ўртасидаги дўстлик тобора мустаҳкамланаётганлигини кўрсатади. Қурия озод қилинганидан кейин Совет Иттифоқи блан Қурия ўртасида янги муносабатлар вужудга келди. Бу битим ана шу муносабатларни ривожлантиришда янги давр очди, ёш республиканинг халқаро миқёсдаги обрўсини оширди. Бу битим республикамизнинг яшнаши ва унинг порлоқ истиқболи учун сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эгадир.

Совет Армияси япон империалистларини тор-мор келтиришда жуда катта роль ўйнаганлигини таъкидлаб, Ким Ир Сен Совет Армияси қурия халқининг ўз хоҳиши блан ўз ватанини барпо қилиши ва уни демократик асосларда ривожлантириши учун бутун шароитни вужудга келтирганлигини уқдириб ўтади. Республикамизнинг совет қўшинлари бўлган шимолий қисмида, —деб ёзади Ким Ир Сен, — халқ-демократик усул идорасини барпо қилиш учун мустаҳкам асос яратилди ва қурия халқи ўз мамлакатининг чинакам хўжайини бўлиб қолди. Қурия озод қилинганидан буён ўтган тўрт йилдан кўпроқ вақт ичида Совет ҳукуматининг сиёсий, иқтисодий ва маданий негизга айланди ҳамда ёш республикамиз халқининг моддий аҳволи анча яхшиланди ва маданий савияси анча юксалди.

Битим тузилганидан кейин ўтган бир йил ичида республиканинг шимолий қисмида бутун халқ зўр ғайрат блан ижодий ишга киришди. Бу ишлар илғор техникадан ва ҳозирги замон ускуналаридан фойдаланишни талаб этди. Совет Иттифоқи ҳукумати битимга мувофиқ, ёш республикамизни саноатини ривожлантириш учун керакли машиналар, материаллар ва хомашё блан тўлиқ таъминлади, саноатимизни тиклаш учун ўз мутахассисларини юборди ва янги заводларнинг ҳамда халқ хўжалиги янги тармоқларининг лойиҳаларини тайёрлашда катта ёрдам кўрсатди.

Ким Ир Сен ҳар икки мамлакат ўртасида мол обороти ўсганлигини таъкидлайди. Агар 1946 йилги мол обороти ҳажмини 100 деб ҳисобласак, 1947 йилда мол обороти 204 процентни, 1948 йилда 357,7 процентни, 1949 йилда эса 459,8 процентни ташкил этди.

1949 йилда, — деб ёзади Ким Ир Сен, — бизнинг республикамиз саноатини ривожлантириш учун энг зарур бўлган машина-ускуналар, материаллар ва хомашёларни, чунончи: кокс, нефть, фабрика-завод ускуналари, электр ускуналар, қишлоқ хўжалик машиналарини Совет Иттифоқидан олди.

Ўтган йили Совет ҳукумати совет Қизил Крест жамиятининг мамлакатимиз шимолий қисмидаги турли районларда бўлган 15 касалхонасини 630 кровати, бутун асбоб-ускуналари ва дори-дармонлари блан бирга бизнинг ҳукуматимизга текинга берди.

Битим тузилиши натижасида икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқалар ғоят мустаҳкамланди.

Сўнгра Ким Ир Сен қуйидагиларни ёзади: Совет Иттифоқи блан ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларига таянучи халқ демократияси мамлакатларида ва республикамизнинг ана шу ҳамкорлик ва дўстликка таянучи шимолий қисмида сиёсий, иқтисодий ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида жуда катта муваффақиятларга эришилди. Бизнинг халқ хўжалигимиз Совет Иттифоқидан доим ёрдам ва кўмак олиб, тўхтовсиз ривожланмоқда. 1946 йилдаги саноат ишлаб чиқаришни ҳажмини 100 деб ҳисобласак, 1947 йилда саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 189,3 процентга, 1948 йилда 263,3 процентга ва 1949 йилда 377,1 процентга етди. Машинасозлик саноати ва енгил саноат урушдан аввалги даражадан ўзиб кетди. Машинасозлик заводларининг ишлаб чиқарган маҳсулоти 1944 йилдагига нисбатан 246,4 процентни, енгил саноат корхоналарининг ишлаб чиқарган маҳсулоти эса — 152,7 процентни ташкил этди. 1947 йилда меҳнат унуми 1946 йилдагига нисбатан 170 процентни, 1948 йилда 235,8 процентни, 1949 йилда 293,4 процентни ташкил этди. Демак, Совет Иттифоқи блан республикамиз ўртасида иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг тузилиши натижасида 1949 — 1950 йилга мўлжалланган икки йиллик халқ хўжалик плани биринчи йилининг топшириқлари муваффақиятли бажарилди.

Айни замонда америка империалистлари иқтисодий «ёрдам» баҳонаси блан ватанимизнинг жанубий қисмини ўзларининг бекор ётган молларини сотиш учун бозорга айлантирмоқдалар, мамлакатимизнинг бойликларини талон-торож қилмоқдалар ва Қуриянинг халқ хўжалигини вайрон қилиш сиёсатини ошкора суратда амалга оширмоқдалар. Қуйидаги рақамлар америкаликларнинг «ёрдами» Жанубий Қурия экономикасига қандай ёмон таъсир кўрсатаётганлигини таъкидлайди: Жанубий Куриядаги корхоналар сони 1943 йилдагига нисбатан 1946 йилда 52 процентгача, 1947 йилда 45 процентгача, 1948 йилда 37 процентгача ва 1949 йилнинг биринчи ярмида 36 процентгача қамайди. Халқ хўжалигининг шу тарзда вайрон қилиниши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш кескин суратда камаймоқда. 1949 йилда машинасозлик саноатининг маҳсулоти 1945 йилнинг охиридагига нисбатан фақат 5 процентни, ишлаб чиқарилган транспорт воситалари 8 процентни, қишлоқ хўжалик машиналари 9 процентни, цемент 17 процентни ташкил этди ва ҳатто «энг ривожланган» тўқимачилик саноатининг маҳсулоти атиги 13 процентни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигининг аҳволи ҳам жуда оғирлашди. Жанубий Қурияда экишзор ерлар 1945 йилда — 87 процентгача, 1948 йилда — 66 процентгача ва 1949 йилда — 55 процентгача камайди.

Жанубий Қурияда чакана нархлар тобора ортмоқда. Чакана нархлар урушдан аввалдаги миқдорга нисбатан 1946 йилда 134 — 162 марта, 1947 йилда 400 — 402 марта, 1948 йилда 732 — 818 марта ва 1949 йилда 821 — 1.003 марта ортди.

Шундай қилиб, америкаликларнинг «иқтисодий ёрдам» баҳонаси блан амалга ошираётган босқинчилик, талончилик сиёсати натижасида мамлакатимизнинг жанубий қисми ҳозирги вақтда харобазорга, очлик ва ишсизлик ўкум сураётган бир ўлкага айланди.

Америкаликлар жар солаётган бундай «иқтисодий ёрдам» бундан буён ҳам давом этадиган бўлса, ватанимизнинг жанубий қисми қандай оғир аҳволда қолажаги ҳарбир кишига аёндир. Шу сабабдан, бутун қурия халқининг ватанни қутқазиш учун курашга, халқимизни қулликка солмоқчи ва мамлакатимизни мустамлакага айлантирмоқчи бўлган америка империалистларининг қабиҳ сиёсатига қарши курашга, америка империалистларига сотилган лисимончи сотқинларнинг, ватан хоинларининг хоинлик ҳаракатларига қарши курашга отланганлиги тасодифий эмас.

Ким Ир Сен мақоласининг охирида қуйидагиларни ёзади: Бутун қурия халқи Совет Иттифоқи блан абадий, бузилмас дўстликни мустаҳкамлаш — қурия халқи мустақиллигининг гарови, Қурия халқ-демократик республикасини яшнатиш ва ривожлантириш гарови эканлигини тобора равшан тушунмоқда, қурия халқи бу дўстликни мустаҳкамлаш асосидагина ягона, мустақил, демократик давлат барпо қилиш учун курашда ғалаба қозонаолажагини яхши англайди.

Бутун қурия халқи Совет Иттифоқи блан Қурия халқ-демократик республикаси ўртасида иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланганлигининг бир йиллигини нишонлаб, ҳар икки мамлакат халқларининг фаровонлиги ва бахт-саодати учун, Ўзоқ Шарқда ва бутун дун'ёда тинчлик ва осойишталик бўлиши учун икки мамлакат ўртасидаги дўстликни янада кўпроқ мустаҳкамлашга қат'ий қарор берганлигини яна бир марта изҳор қилади. Совет Иттифоқининг мамлакатимизни озод қилганлиги ва мамлакатимизга бераётган ёрдами туфайли совет ва қурия халқлари ўртасида дўстлик барпо бўлди. Ана шу абадий, бузилмас дўстликни мустаҳкамлаш халқаро демократик лагерьни янада кучайтиради ва тажовузкор империалистларга қарши, янги уруш оловини ёқучиларга қарши кураш ишига катта ҳисса қўшади.

«МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК УЧУН, ХАЛҚ ДЕМОКРАТИЯСИ УЧУН!»

ГАЗЕТАСИ САҲИФАЛАРИДАН

Хитой халқ республикасида

ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Хитой халқ республикаси Марказий халқ ҳукумати кенгаши ва Давлат ма'мурий кенгаши аҳолининг барча табақалари вакилларидан иборат вилоят, шаҳар ҳамда уезд конференциялари ва халқ бошқармаларининг фаолиятини ҳамда давлат ҳокимияти халқ демократик органларининг қандай характер ва шаклда тузилишини белгилайдиган қоидаларни э'лон қилдилар. Бу қоидаларга мувофиқ, аҳоли ўртасидаги барча табақалар халқ вакилларининг вилоят, шаҳар ва уезд конференциялари демократик партиялар ва группалар, халқ ташкилотлари, ҳарбий қисмлар, ҳарбий-контроль комитети ва халқ бошқармаси вакиллари иштироки блан чақирилиши лозим. Бу конференциялар вилоят, шаҳар ва уезд халқ бошқармаларининг ҳисоботларини эшитишлари ва тасдиқлашлари, маҳаллий бошқармаларнинг бюджетларини тасдиқлашлари, бу халқ бошқармаларининг сиёсатига доир масалалар юзасидан таклиф ва резолюциялар киргизишлари, бошқарма кенгашларини сайлашлари керак. Бошқарма кенгашлари ўз қарамоқларидаги ма'мурий органларнинг ишига раҳбарлик қилишлари, жамоат тартиби сақланишини, қонунларга риоя қилинишини, граждан ҳуқуқларининг муҳофаза қилинишини та'минлашлари, иқтисодий ва маданий ишларга раҳбарлик қилишлари ва йиллик бюджетларни тузишлари лозим.

«Женьминжибао» газетасининг ёзишича, тўла бўлмаган ма'лумотларга кўра, февраль ойининг ўрталаригача Хитойнинг 21 вилоятида аҳоли ўртасидаги барча табақалар вакилларининг конференциялари бўлиб ўтган.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ТИКЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

Хэнань, Хубэй, Цзянси ва Хунань вилоятларининг халқ бошқармалари 1950 йил учун қишлоқ хўжалик планлари тузадилар. Бу планларда дон экинлари етиштиришни 1 миллиард 650 миллион кэтти кўпайтириш (бир кэтти 500 граммга барабар) ва пахта майдонларини 10 миллион 270 минг акрга кенгайтириш кўзда тутилади.

ШАРҚИ-ШИМОЛИЙ ХИТОЙ АҲОЛИСИ ЗАЕМ ЧИҚАРИШ ҲАҚИДАГИ ҚАРОРНИ ТАБРИКЛАМОҚДА

Шарқи-шимолий халқ ҳукуматининг шарқи-шимолий вилоятлардаги саноатини қайтадан қуриш заёми чиқариш тўғрисидаги қарорини Шарқи-Шимолий Хитой аҳолиси қизғин ма'қуллаб кутиб олди. Мукендаги аҳолининг барча табақалари вакиллари маслаҳат конференциясининг ижроия комитети заём облигацияларини тарқатиш тадбирларини 28 февральда муҳокама қилди. Дастлабки 4 миллион 250 минг облигацияни тарқатиш ҳақида қарор қабул қилинди, бу эса Мукденда тарқатиладиган ҳаммә облигацияларнинг тўртдан бир қисмини ташкил қилади.

Чанчун, Аньшан, Харбинда, Суецзян, Хэйлунцзян, Ляоси вилоятларида демократик ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари, аҳоли ўртасидаги ҳамма табақалар вакилларининг конференциялари аҳолини заём облигацияларини тарқатишда актив қатнашишга чақирдилар.

ХИТОЙ ХАЛҚ-ОЗОДЛИК АРМИЯСИ ҚЎШИНЛАРИ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИДА ҚАТНАШМОҚДАЛАР

Халқ-озодлик армиясининг 2-нчи армия группаси Мао Цзе-дунинг ишлабчиқаришда қатнашиш тўғрисидаги чақириғига жавобан, бошқа ишларда қатнашиш блан бирга, Лунхай темир йўлининг Тяншуй-Ланьчжоу участкаси қурилишида қатнашчи учун 25.400 жангчи ажратади. Қурилиш ишлари 1 апрельда бошланиши керак. Шу армия группасидаги 3-нчи армия Увэй, Шаньдань, Гулан ва Линьшэн районларида тўртта ирригация иншооти қуришда қатнашади. Бу ирригация иншоотлари 65.900 му ерни (бир му 1/16 гектарга баравар) суғориш имкониятини беради.

КЎМИР ЧИҚАРИШ ҚЎПАЙМОҚДА

Шаньдунъда кўмир чиқариш урушдан аввалги даражадан 8.3 процент ошиб кетди. Бу — 1948 йилдагидан етти марта кўпдир. Шаньдунь озод қилинган вақтда 109 шахтадан фақат 15 таси ишлаб турар эди. 1949 йилнинг охиригача яна 35 шахта тикланди.

ЕШЛАР УҚИМОҚДА

Ҳозирги вақтда Шарқий Хитойда 78.000 мактаб, колледж ва университет бор. Буларда қарийб 6.250.000 киши ўқимоқда. Шарқий Хитойдаги ёшлардан 70.000 дан кўпроқ киши революцион академия ва бошқа ҳарбий ҳамда сиёсий мактабларни битириб чиққанларидан кейин ҳукумат муассасаларига, фабрикаларга ва армияга ишга юборилдилар.

(Газетанинг 11 (71) сонидан).

Югославиянинг Булғориядаги жосуслари иши юзасидан София округ суди прокуратурасининг айбномаси

СОФИЯ. 21 март. (ТАСС). Булғория телеграф агентлиги хабар беради: София округ судининг прокуратураси Югославия жосуслик бўлимининг агентлари бўлмиш жосуслар ва қўпоручилар — югослав ва булғор гражданларининг иши юзасидан 20 мартда айбнома э'лон қилди. Бу агентлар Булғория халқ республикасининг қонунга мувофиқ тузилган ҳукуматига қарши Софиядаги югослав элчихонасининг бевосита раҳбарлиги остида жосуслик ва қўпоручилик ишларини уюштириш мақсадида Булғорияга юборилганлар.

Айбномада айтилишича, гитлерчиларнинг қўшинлари Сталинград остоналарида мағлубиятга учраганларидан кейин империалистик давлатлар Болқонни оккупация қилиш ҳақидаги қабиҳ планларини амалга оширишга киришганлар ва генерал Маклин блан Рандольф Черчилль бошчилигида Югославияга миссия юборганлар. Мазкур миссия блан Тито—Ранкович тўдаси, яъни илғари империалистик жосуслик марказларига тортилган троцкичилар ва игвогларлар тўдаси ўртасида яқин алоқа боғланган; Тито — Рэнкович тўдаси ўз ҳукмронлигининг мустамлакачилик планини амалга оширишда авангард бўлиши керак эди.

Ана шундай қилиб титочилар тўдасининг контрреволюцион махфий троцкичи-жосуслик марказининг ишида қуйидаги кишилар қатнашганлар ва Булғория Халқ республикасининг яхлитлиги, мустақиллиги ва суверенитетига қарши жиноий ишларни қилганлар:

Бранко Звиерац—Югославия граждани. 1948 йилнинг охирида Сербия ички ишлар министри Слободан Пенезич Звиерацни ўз ҳузурига чақириб, унга Ранковичнинг шахсий буйруғига биноан Звиерацнинг УДБ органларида ишга тайинланганлигини, Софиядаги югослав элчихонаси паспорт бўлимининг бошлиги Светозар Савич томонидан бериладиган махфий топшириқларни бажариши учун Булғория Халқ республикаси территориясига юборилажагини айтган.

Звиерац чегарадан ўтиш олдидан Белград УДБ бошқармаси бошлиғининг ёрдамчиси Войкан Лукичдан йўл-йўриқ олган. Лукич Звиерац блан бирга чегарадан ўтадиган группанинг составини белгилаган, шунингдек Звиерацнинг Савич блан учрашадиган вақти ва жойини, чунончи Софиядаги Озодлик боғида учрашиши кераклигини айтган.

1949 йил кўкламда бу группа Булғория территориясига ўтган.

1949 йил 15 майда Звиерац Озодлик боғида Савич блан биринчи марта учрашган. Бу учрашув вақтида у муҳожирларнинг ҳаёти тўғрисида ма'лумотлар тўплаш ва бериб туриш ҳақида топшириқ олган. Мунтазам суратда давом этиб турган бу учрашувлар вақтида айбдор ўзи тўплаган ма'лумотларни Савичга билдирган; Савич эса ҳар сафар унга 10 минг левдан пул берган.

Звиерац бошқа топшириқлар ҳам олган. Жумладан, Савич унга, муҳожирлардан бири — «Кмета» деган киши ўлдирилиши керак, деган.

1949 йил 15 августда Савич айбдорга Булғория армиясининг қурол-яроғи, қисмларнинг қаерларда жойлашганлиги ҳақида, зарур бўлганда ҳарбий об'ектларни портлатиш учун аэродромлар, ёнилғи ва ўқ-дори омборларининг жойи тўғрисида ма'лумотлар тўплашни топширган. Савич фабрика ва заводларни, масалан, Георгий Димитров номидаги заводни ва бошқаларни вайрон қилиш учун 3—5 кишидан иборат группалар тузиш мақсадида йирик заводлардаги кишилар блан алоқа боғлашни Звиерацга тавсия қилган. Югославия элчихонаси бу группаларни портловчи материаллар блан та'минлаши лозим бўлган.

Ўша йили 9 сентябрь куни байрам қилиниши муносабати блан Савич Звиерацга Булғория ҳукумати а'золари, шунингдек бошқа давлатларнинг вакиллари, шу жумладан маршал Ворошилов чиққан вақтда Георгий Димитров мақбарасининг минбарига бомба ташлаш имкониятини аниқлашни топширган.

Айбдор Звиерац каби, бошқа шахслар ҳам шундай топшириқлар олиб турганлар. Савич, мен Югославия коммунистлар партияси марказий комитетидан, унинг раҳбарлари Тито ва Ранковичдан қўлланма олдим, деган.

Милош Милошевич — «Сибиреч»—Югославия граждани. У 1944—1945 йилларда ОЗНА да (Югославия разведкасида) ишлаган. 1947 йилда унга капитан унвони берилган ва уни 26-нчи дивизиянинг контрразведка бошлиғи қилиб тайинлаганлар. Ўша йили 13 июльда контрразведка бошлиғи генерал Эфто Хокич унга, сиз янги ишга ўтишингиз керак, бу ҳақда тегишли йўл-йўриқни сизга Югославия армияси сиёсий бошқармасининг бош бошлиғи ва контрразведкасининг раҳбари Светозар Вукманович — «Темпо» беради, деган.

Вукманович айбдорга, сиз ҳарбий хизматдан бўшатилиб, УДБ полковниги Буеничдан янги топшириқлар оласиз, деган. Вукманович, яна, сиз «Информбюро резолюциясига хайрихоҳлик қилганлигингиз» учун деган баҳона блан ҳарбий хизматдан бўшатилиб, сўнгра чет элга юбориласиз, деган.

1949 йил 20 мартда Милошевични Буенич ўз ҳузурига чақириб, сиз «сиёсий муҳожир» сифатида Булғорияга кетишингиз керак, деган. Ўша йили 30 мартда айбдор Булғория чегарасидан ўтган. Буенич томонидан берилган йўл-йўриққа биноан, айбдор май ойининг бошларида Югославия элчихонасининг вакили блан алоқа боғлаган. Бу вакил унга сиёсий муҳожирларнинг ҳаёти, фаолияти ва қарорлари тўғрисида махфий ма'лумотлар тўплашни топширган. Милош Милошевич бу топшириқни бажарган.

Даринка Стойкова — отасининг номи бўйича Лазович — Булғория граждани, югославияли.

1944 йил 9 сентябрьдан кейин у Булғория коммунистлар партияси а'золигига қабул қилинган, сўнгра Софиядаги районлардан бирида раҳбар партия ходими бўлиб ишлаган.

Айбдор, Югославиянинг Софиядаги ҳарбий атташеси ёрдамчиси Арсо Милатович блан танишган. Милатович уни Югославия разведкасига жалб қилган. У, Булғория коммунистлар партияси Марказий комитетининг 16-нчи пленумида қилинган доклад текстини, қишлоқ хўжалиги, икки йиллик иқтисодий план ҳақидаги докладларни, Булғория коммунистлар партияси Марказий комитетининг бирқанча қарорларини ва партия ташкилоти раҳбарлари қўлида бўлган бошқа материалларни Милатовичга топширган.

Катерина Спассова — Булғория граждани, югославияли. 1945 йилда у Югославия элчихонаси ҳузуридаги ҳарбий атташе ёрдамчиси Сирилл Одарлинг блан танишган. Одарлинг уни Югославия фойдасига махфий жосуслик ишига тортган. Айбдор унга сиёсий ва иқтисодий характердаги ма'лумотларни топшириб турган.

1948 йил июль ойида айбдор Спассова элчихона ҳузуридаги ҳарбий атташе ёрдамчиси Арсо Милатович блан алоқа боғлаб, унга махфий ма'лумотлар топширишини давом этдирган.

Айбдор Боголюб Илич — Югославия граждани. Белградда ички ишлар министрлигида хизмат қилучи майор Бизич 1949 йил июль ойида унга махфий суратда чегарадан ўтиб, «УДБ органлари қувғинидан қочган киши» сифатида Булғория ма'мурларига таслим бўлишни топширган. Айбдор даставвал булғор ма'мурларининг ишончини қозониб, сўнгра собиқ район УДБ бошлиғи Радмир Илични (Микхони) ўлдиришни лозим бўлган (Радмир Илич 1949 йил май ойида қочган).

Айбдор Иван Баялцалиев 1946 йил декабрьда Булғорияга келиб, Софияда Югославия элчихонасининг кўрсатмасига мувофиқ қўпоручилик ишлари олиб борган.

1949 йил июльда айбдор Югославияга келган ва унда жосуслик учун Булғориядан ҳайдалган Наков ва Арсо Милатович блан учрашган; улар Баялцалиевга Булғорияга ўтишни ва махфий ма'лумотлар тўплаш юзасидан Югославия элчихонасига ўзининг хизматини таклиф этишни таклиф қилганлар. Айбдор бу таклифни қабул қилиб, 1950 йил 13 январьда Булғорияга келган, бу ерда ҳукумат органлари томонидан қамоққа олинган.

Айбдор Любек Костадинов — Босильград уездидаги Груенчи қишлоғида туғилган, 1949 йилда у УДБ органлари томонидан хизматга олиниб, Булғорияда қўпоручилик ишлари блан шуғулланган. Ўша йили 20 июльда УДБ органлари унга Булғориядаги Кюстендил шаҳрига бориб, айбдор Дарина Брисова блан алоқа боғлашни ва уни Югославияга олиб келишни таклиф этганлар. Костадинов шу топшириқни бажариш вақтида икки марта чегарадан ўтган. Иккинчи марта Югославияга жўнаб кетишида у йўлда қамоққа олинган.

Димитр Горанов — Булғория граждани, собиқ денгиз офицери. У 1941 йил июнъда Германияга жўнаб, унда герман кемаларида хизмат қилган ва Эзель оролига десант туширишда қатнашган. Бу топшириқни бажарганлиги учун у герман ма'мурларидан ҳарбий мукофот олган.

У 1949 йил 5 майда Югославияга қочган. Цариброд шаҳри УДБ органларида сўроқ қилингач вақтда у ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий характердаги махфий ма'лумотларни билдирган. Шундан кейин мазкур шаҳарда қамаб қўйилган.

Кейинчалик у Ниш шаҳридаги муҳожирлар лагерига кўчирилган.

Сўнгра УДБ органлари унга Софияга бориб, ҳарбий атташе ёрдамчиси Милатович блан ёки Югославия элчихонаси паспорт бўлимининг бошлиғи Савич блан алоқа боғлашни, топшириқни бажаргандан кейин Югославияга қайтишни таклиф этганлар.

1949 йил 26 ноябрьда айбдор чегарадан ўтган, шу вақтда ҳукумат органлари томонидан қамоққа олинган.

Айбдор **Петко Предикитов** — Булғория граждани.

1949 йил 14 сентябрьда айбдор Предикитов Булғория Халқ республикасига қарши жиноий ишларини давом этдириш ниятида Югославияга келган. Заечар шаҳрига келгач, у УДБ органлари томонидан сўроқ қилинган ва кейин ариза ёзган. Бу аризада Югославия разведкасининг агенти сифатида ишлаш мажбуриятини олган.

Орадан бирқанча вақт ўтгач унга Булғорияга қайтиб, Радомир Симич орқали Югославия элчихонаси блан алоқа боғлаш ва ҳарбий, сиёсий, иқтисодий характердаги махфий ма'лумотлар бериб туриш топширилган.

У Булғорияга келгандан кейин бирмунча вақт яшириниб юрган, сўнгра топилиб, қамоққа олинган.

Айбдор **Михаил Михайлов** — Провадия шаҳарли, Булғория граждани, халқ ҳукуматининг душмани. Михайлов 1949 йил 20 майда Югославияга келган, бу ерда Пирот шаҳрининг УДБ органлари томонидан сўроқ қилинган. У сўроқ вақтида сиёсий ва иқтисодий характердаги ма'лумотларни айтган. Югославиянинг УДБ органларини Трайчо Костов айниқса қизиқтирган. Михайловга УДБ топшириқлари бўйича ишлаш таклиф этилган, у бунга рози бўлиб ариза ёзган.

Сўнгра Айбдор Михайлов Булғорияга келиб, бу ерда қурол олган. У, монархист-фашистлар Грециясига қочиб кетмоқчи бўлган пайтда ҳукумат органлари томонидан қамоққа олинган.

Айбдор **Валтчо Савов** — Александрово қишлоғида туғилган, Булғория граждани, кулак.

У 1944 йил 9 сентябрьгача фашистлар ҳокимияти тарафдори бўлиб, Германияга жўнаб кетган.

Титонинг хиёнати фош қилингандан кейин айбдор Савов Югославияга қочмоқни бўлган, чунки Югославияда Булғория халқ ҳукуматига қарши курашадиган қуролли группалар тузилиши мумкин деб ўйлаган. Савов 1948 йил декабрьда чегарадан ўтган. 1949 йил ноябрьда у УДБга чақирилган ва Булғорияга қайтиб органидан кейин саботажчи группалар ташкил қилиш, шунингдек махфий ма'лумотлар тўплаш ва уларни махфий имзо блан ма'лум адрес бўйича топшириб туриш ҳақида тилхат берган. Ўша йили 26 ноябрьда Савов чегарадан ўтган ва булғор ма'мурлари томонидан қамоққа олинган.

Бошқа айбдорлардан Маринов, Таренгов, Ефтимов, Петров, Цветков, Колев, Стойков, Жиков, Стоянов, Янев, Амипинов, Антов ва Михайловлар илгариги фашистлар ёки чириган жиноий унсурлар бўлиб, Булғория халқ ҳукуматининг ашаддий душманларидирлар. Улар қилган жиноятлари учун суд жазосидан қутилиш мақсадида Югославияга қочганлар, шу тарзда Югославия жосуслик хизматига олиниб, жосуслик ва қўпоручилик ишларини кучайтириш мақсадида Булғорияга юборилганлар. Булғория ҳукумат органлари томонидан қамоққа олинган шу жиноятчилар қилган жиноятларига тамомила иқрор бўлдилар.

Суд терговида айбдорларнинг жиноятлари исбот қилинганлиги сабабли, София округ прокуратураси юқорида номлари айтилган шахсларни Тито-Ранкович раҳбарлик қилган махфий марказнинг ишида қатнашишда айблайди. Бу махфий марказ Булғория халқ республикасида қонунга мувофиқ тузилган ҳукуматни давлат ўзгаришини ясаш, ис'ёнлар уюштириш, террор ва жосуслик ишларини авж олдириш, шунингдек бошқа жиноий йўллар блан ағдаришни, қақшатишни ёки заифлатишни мақсад қилиб қўйган.

АФИНА ҲУКУМАТИ БЛАН ТИТО ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРГА ДОИР

АФИНА, 21 март. (ТАСС). Американинг СССРдаги ва Югославиядаги элчиларининг бир вақтда Афинага келиши ва айни замонда давлат департаментининг алоҳида топшириқларни бажаручи амалдори Майрон Блэкнинг Афинада бўлиши ҳаммани қизиқтирмоқда ва матбуотда шу тўғрида кўп фикрлар баён қилинмоқда.

Кўп обзорчилар Америка дипломатларининг Грецияга келишини америкаликларнинг Болқонда Белград — Афинадан иборат сиёсий иттифоқ тузишга интилаётганликларини масаласи блан боғлайдилар.

Америка Қўшма Штатларининг Белграддаги элчиси Аллен Америка элчихонасининг бир тўда амалдорлари блан бирга ҳозирги вақтда Афинага махсус аэропланда келди. Америкаликларнинг Москвадаги элчиси Кэрк ҳарчи расман отпускага кетаётган бўлса ҳам, унинг ёнида маслаҳатчилар бор.

«Элефтерия» газетасининг ёзишича, Аллен 17 мартда Тито блан узоқ суҳбат қилган. «Акрополис» газетасининг ёзишича, Аллен Титодан Грециянинг сиёсий раҳбарларига хат олиб келган.

«Махи» газетаси хабардор ажнабий дипломатнинг фикрига суяниб қуйидагиларни ёзади: «Америка дипломатларининг актив ҳаракат қилаётганликларига сабаб шуки, Югославия эндиликда Қўшма Штатларининг Болқондаги манфаатларини ифода қилучи бир мамлакат бўлиб қолди».

ИТТИФОҚЧИЛАР ОЛИЙ КОМИССИЯСИ ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯДА ФАШИЗМНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

ПРАГА, 21 март. (ТАСС). Телепресс агентлигининг мухбири Берлиндан билдиради: Ғарбий Германияда Иттифоқчилар олий комиссияси бир қонунни имзолади. Бу қонунга мувофиқ, келгусида тузиладиган янги сиёсий партиялар оккупациячи ма'мурлардан рухсатнома беришни сўрамасликлари керак. Янги қонун 3 ойдан кейин кучга кириши керак эди, аммо Аденауэр аралашганидан кейин, Иттифоқчилар олий комиссияси бу қонун э'лон қилинганидан 5 кун кейин унинг амалга оширабошланишига рози бўлди.

Янги қонун фашистлар ҳаракатининг бемалол кучайишига имкон беради, чунки кейинги ойларда фақат ўтакетган фашист партияларгина рухсатнома беришни сўраб мурожаат қилган эдилар.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИДА ҲАРБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

НЬЮ-ЙОРК, 20 март. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг Вашингтон мухбири қуйидагиларни билдирди: вакиллар палатасининг қуролли кучлар масаласи блан шуғулланучи комиссиясининг раиси Винсон флотния «ислоҳ қилиш» ишларига 500 миллион доллар сарф этишни кўзда тутган қонун лойиҳаси тақдим этди. Бу қонун лойиҳаси жам'и 50 минг тонна ҳажмли «ҳозирги замон» кемаларининг янги типларини қуришга рухсат беради.

Винсон тақдим этган программа 8—10 та янги кема қуришни, шунингдек жам'и тахминан 200 минг тонна ҳажмли мавжуд кемаларни қайтадан ускунашни кўзда тутади.

Винсон штаб бошлиқларининг бирлашган группаси бу программани ма'қуллаганлигини ва ҳозирги вақтда бу программани Трумэн тасдиқлаши кераклигини айтди.

Мас'ул муҳаррир:
Ҳ. ҒУЛОМОВ.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ЕШ ГВАРДИЯ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» кинотеатрларида — янги бадиий фильм **Ола катак кийимлилар.**

«РОДИНА»—кундуз **Ола катак кийимлилар.**

«НАВОИЙ»—кундуз **Чўртан балиқнинг амри блан** (янги нусхаси), кечқурун **Ҳинд мақбараси** (1-нчи серия).

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Қадимги вадевиль.**

«ИСКРА»—1-нчи залда **Цирк артистлари,** қолган залларда **Уларнинг ўз ватани бор.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—янги келган артистларнинг иштироки блан катта цирк тамошалари ва классик курашлар. Тамоша кеч соат 9 да бошланади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

Тошкентда ва жойларда:

қурилиш конторалари ва леспромхозининг бош инженерлари, ишлабчиқариш-техника бўлимларининг бошлиқлари, трестнинг ва область қурилиш конторалариниг инженерлари ва старший инженерлари, инженер-инспекторлар, старший прораб, механик, лойиҳа тузучи, смета тузучи, тадқиқотчи, трест план бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлаш учун

бинокор, механик, электрик, тадқиқотчи, смета ва лойиҳа тузучи

ИНЖЕНЕРЛАР ВА ТЕХНИКЛАР

шунингдек **трест бош бухгалтерининг ўринбосари, бухгалтерлар, молиячи экономистлар,** қурилиш ва ёғоч ишлаш корхоналарига десятник-мастерлар

КЕРАК

Трестнинг адреси: Тошкент шаҳар, Асака кўчаси, 24-нчи уй.

1950 йил апрель ойининг 1-нчи ўнкунлигида ЎзССР барча область марказларида ва Нукус шаҳрида

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ЮТУҚЛАР ЎЙИНИ

бўлади.

Ютуқлар ўйинида 1950 йилнинг 1 апрелигача омонат кассаларига ютуқли омонатлар қўйган кишилар қатнашади.

Омонат касса дафтарчаларининг ҳар мингтасига 25 ютуқ ўйналади.

Шу жумладан:

омонат кассада қолган ўртача омонат қолдиғининг

200 процентигача миқдорида 1 ютуқ,
100 процентигача миқдорида 2 ютуқ,
50 процентигача миқдорида 22 ютуқ ўйналади.

Ютуқли омонатлар барча омонат кассаларида қабул қилинади.

Жамғармаларингизни ютуқли омонатга қўйингиз!

**Ўзбекистон ССР Давлат меҳнат омонат к